# ISHONCH

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2006 йил 3 феврал, жума № 19 (2068)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ



**Ушбу сонда:**

2 ХАТЛАР — ҲАЁТ КЎЗГУСИ

3 *Касаба уюшма аралашуви билан* ТОВОН ПУЛЛАРИ ундириб берилди

4 *Ўзбекистон — Ватаним маним!* САПИЛТОШДАГИ ҚУЁШ ТАНДИРИ


## ЛИЦЕЙДА НАВОИЙХОНЛИК

***Муҳаммад Юсуф номидаги Бўстон академик лицейида ғазал мулкининг султони ҳазрат Алишер Навоий таваллудининг 565 йиллигига бағишланган навоийхонлик кечаси бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятининг бир неча шаҳар ва туманларидан келган шеърият ихлосмандлари иштирок этди.***

Адабий кечада Хоразм Маъмун академияси илмий ходими, «Офарин» мукофоти совриндори шоир Матназар Абдулҳаким, Қорақалпоғистон Республикаси Ёзувчилар уюшмаси раиси ўринбосари Жайҳун Мирзо ва бошқалар Алишер Навоий қолдирган буюк адабий меросни ўрганиш, унинг умумбашарий ғояларини ёшлар қалбига сингдириш лозимлиги хусусида гапирдилар.

Кечада Навоий ғазаллари билан айтиладиган қўшиқлар янгради. Бўстон академик лицейи ўқувчилари шоирнинг «Фарҳод ва Ширин» достонидан саҳна кўринишини намойиш этиб, кечага янада файз киритди.

Тадбир доирасида туманда беш йилдан буён фаолият юритаётган «АҚчакўл илҳомлари» республика адабий тўгарагининг навбатдаги машғулоти бўлиб, унда ўнга яқин ёш қаламкашнинг ижод намуналари муҳокама этилди.

*Эл ардоғида*

***Бу иккала жувонни Қашқадарёда яхши билишади ва эъзозлашади. Ҳаёт тақозоси билан тадбиркорлик оламига кириб келган ва қийинчиликларни енгиб ўтиб, муваффақиятларга эришаётган бу аёлларнинг вилоятда ўзига яраша шаъну шавкати, ҳурмат-эътибори бор.***

# ҚЎЛИ ОЧИҚНИНГ ЙЎЛИ ОЧИҚ

Гулчеҳра опани вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофазалаш бошқармасида учратдик. Бошлаган ишларини давом эттириш учун "Бандлик" жамғармаси ҳисобидан кредит олиб, янги иш ўринлари яратиш тараддудида юрган экан.

– Тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатланганлиги кучимизга-куч қўшди, – дейди Гулчеҳра Примқулова мамнуният билан. – Президентимиз Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамаси қарорларида, бошқа меъёрий ҳужжатларда тадбиркорлик ҳаракатининг қулоч ёйиши учун кенг йўл очилди.

Опанинг касби ўқитувчилик. Ўн тўққиз йил давомида ёш авлодга таълим-тарбия бериб, юзлаб шогирдлар тайёрлаган. Қарши шаҳрининг Қарлиқбоғот маҳалласида камол топган бу аёлнинг отаси замонасининг довруғли ҳунармандларидан бўлган. Нафақат воҳанинг, республикамизнинг турли бурчакларидан чавандозлар узоқ йўл босиб келиб, Примқул бобо ясаган қамчиларни харид қилишган.

Эл кайвонисининг тарбиясини олган Гулчеҳра истиқлол шарофати билан ишбилармонларга яратилган шароитларнинг афзаллигини биринчилар қаторида англаб етди. Ёшлигида зардўзлик касбини эгаллаган эмасми, уйида хусусий цех очди. Келин-куёвлар, тўй болалари либоси, дўппи, каштачилик буюмлари тикишни йўлга қўйди.

Опанинг саъй-ҳаракатлари туфайли цех кенгайиб, кичик корхонага айланди. 70 га яқин хотин-қиз бичиш-тикиш юмушлари билан машғул. Ёш болали аёллар маҳсулотни уйларида тайёрлаб келишади. Бундан ҳам ўзлари, ҳам корхона катта фойда кўради.

1996 йилдан 2002 йилгача маҳалла қўмитасига раислик қилган Г.Примқулова жамоат ишларида фаол қатнашганлиги ва ёш авлодни тарбиялашдаги катта хизматлари учун "Эл-юрт ҳурмати" ордени билан тақдирланган. Опанинг ташаббуси билан маҳалла ҳудудида очилган "Наврўз" чойхонасида арзон ва мазали таомлар тайёрланади. Яқинда Қарши шаҳрида яшовчи қариялар, ногиронлар бир пиёла чойга таклиф қилиниб, моддий жиҳатдан рағбарлантирилди.

Бундан ташқари, Қарши тумани ҳудудидан 50 гектар ер олиб, пахта, ғалла етиштираяпти. Боғдорчилик, чорвачилик йўлга қўйилган. Қисқаси, 50 нафар киши муқим иш билан таъминланган. Тадбиркорнинг савдо тармоқларидан ҳар ойда 10 миллион сўм накд пул банк муассасаларига топширилади. Мана бир йилдирки, мижозларга пластик карточкалар орқали хизмат кўрсатилаяпти.

Гулчеҳрахоннинг саъй-ҳаракати билан қадимий ва ҳамиша навқирон Насафнинг 2700 йиллиги олдидан "Муҳтарама аёл" хайр-саҳоват маркази очилди. Ҳаётнинг аччиқ-чучукларини татиган табаррук онахонлар, меҳнат фахрийлари, ногиронлар марказга таклиф этилиб, уларнинг кўнгли олинади, моддий ва маънавий ёрдам уюштирилади. Барча ҳаражатлар тадбиркорликдан келган даромад ҳисобидан қопланади.

Халқимизда "Қўли очиқнинг, йўли очиқ" деган ҳикмат бор. Сахий ва олиҳиммат инсон Қарлиқбоғот маҳалласида яшовчи 20 дан зиёд кам таъминланган оиланинг газ тўловлари учун 300 минг сўм маблағ ўтказиб берди. Бошқа маҳаллаларда истиқомат қилувчи 4 та ёрдамга муҳтож оилани оталиққа олиб, уларга ҳар ойда моддий ёрдам беради.

– Эзгулик унутилмайди, – дея суҳбатни давом эттиради Г.Примқулова. – 2006 йилнинг "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" деб эълон қилиниши нур устига аъло нур бўлди. Юртбошимиз таъкидлаганларидек, табиатан ва қандайдир сабабларга кўра кўмак ва мададга муҳтож бўлган, ҳаётда омади юришмай турган инсонлар борлигини унутмаслигимиз, давлат ва жамият эътиборини ана шундай одамларга қаратиб, уларга ёрдам бериш учун барчамиз бир ёқадан бош чиқариб, ҳаракат қилишимиз зарур.

"Қаршимебел" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Саломат Комилова миллий ҳунармандчилик тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб келаяпти. Мустақиллик йиллари ташкил этилган корхонада ҳар йили 30 турдаги 360 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилаяпти.

Қўлигул ҳунармандлар маҳаллий хомашёдан тайёрлаган замонавий мебеллар "Журналистлар уйи" биносини безади. Республика Халқ таълими вазирлиги томонидан ўтказилган тендер танловида ғолиб чиққан жамоа вилоятдаги мактаблар, болалар боғчалари ва таълим муассасаларига 221 миллион сўмлик стол-стуллар, китоб жавонлари етказиб берди. Сифатли ва арзон маҳсулотларнинг харидорлари сони ортиб бормоқда. Айни пайтда қўшни Сурхондарё вилояти халқ таълими бошқармасининг буюртмасига асосан мактаб жиҳозлари тайёрланаяпти.

Мутахассислиги муҳандис-мебелсоз Саломат Комилова ўн йилдан бери 50 кишилик корхонага раҳбарлик қилиб келаяпти. Ишлаб чиқаришда янги технология дадиллик билан жорий этилаяпти. Жамият томонидан механика таъмирлаш корхонасининг пайвандлаш цехи сотиб олинди ва 8 та янги иш ўрни яратилди.

Хитойдан келтирилган замонавий дастгоҳлар маҳсулот сифатини жаҳон андозалари даражасига кўтариш имкониятини яратди. Келажакда Қаршида 200 киши ишлайдиган йирик мебел фабрикаси бунёд этиш ва Хитойда савдо уйи очиш режалаштирилган.

Бева-бечоралар, етимесир, муҳтож кишиларга ёрдам кўрсатиш тадбиркорларнинг қалб даъватига айланган. Кам таъминланган оилалар фарзандларини дарсликлар, ўқув қуроллари, кийим-кечаклари билан таъминлаш учун маблағ ажратилаяпти. Батош, Спутник, Мағзон маҳалла фуқаролар йиғинларига ҳомийлик кўрсатилиб, идоралар замонавий мебеллар билан жиҳозланди.

Хуллас, Гулчеҳра Примқулова ва Саломат Комиловалар аҳолини иш билан таъминлаш мақсадида янги корхоналар очиш, халқ амалий санъатини ривожлантириш, миллий каштачилик, дўппи тикиш, зардўзлик, ҳунармандчилик, ўймакорлик, темирчилик, сандиқсозлик, бўйрачилик анъаналарини қайта тиклаш йўлида ғайрат ва ташаббус кўрсатиб, меҳнат қилишаяпти.

**Иззат ҲИКМАТОВ,**
**"Ишонч" мухбири**

*Ўқув*

***Жойлардаги касаба уюшма ташкилотлари корхона, ташкилот, муассасаларда иш ҳақи, қўшимча ҳақ тўлаш, тармоқ хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда меҳнат қонунчилигимиздаги тегишли моддалар бўйича ходимларнинг айрим тоифалари учун берилган имтиёз ва кафолатларга тўла амал қилинишини доимий равишда назорат қилиб боришмоқда. Соғломлаштириш масканларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ишчи-хизматчилар меҳнатини муҳофаза қилиш масалаларини ҳудудий келишув ҳамда жамоа шартномаларига киритган ҳолда амалга оширмоқдалар.***

# ЕТАКЧИНИНГ ОБРЎСИ

## унинг салоҳиятига боғлиқ

Бу ҳар бир етакчидан ҳуқуқий билимларни чуқур ўзлаштиришни, дунёқарашини ҳам давр талабларидан келиб чиққан ҳолда шакллантириб боришни тақозо этади. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг Ўқув марказида ўтказилаётган семинарлар айнан шу мақсадга қаратилгандир.

Айни кунларда бу ерда Ўзбекистон енгил, мебел саноати ва коммунал маиший хизмат ходимлари касаба уюшма Марказий кенгаши тизимидаги ташкилот етакчиларининг ўқуви бўлиб ўтмоқда. Улар орасида вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашларининг раислари, йирик бошланғич касаба уюшма ташкилотларининг раҳбарлари бор. Семинар мобайнида тингловчилар Ўзбекистон касаба уюшмаларининг IV ҳамда тармоқ Марказий кенгашининг III Қурултойлари қарорларидан келиб чиқадиган вазифалар, «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва кафолатлари тўғрисида»ги Қонун ҳақида маърузалар тинглашди ва ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашишди.

Меҳнаткашларни маънавий тарбиялаш ҳамда уларни спортга ошно қилиш ҳам мазкур ташкилотнинг асосий фаолият йўналишларидандир. Шу боисдан «Миллий истиқлол ғояси ва мафкурасининг моҳияти ҳамда вазифалари» ҳақидаги маъруза кўпчиликда яхши таассурот қолдирди.

Маълумки, меҳнаткашларнинг ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш аввламбор етакчининг салоҳияти ва билимига кўп жиҳатдан боғлиқ. Ҳуқуқий мавзудаги маърузаларнинг мазмун-моҳияти ҳам айнан шу мақсадга йўналтирилди.

**Маъруф УСМОНОВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакиллиги котибият мудири**

Меҳнаткашларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари бузилган ҳолатда уларга ёрдам кўрсатиш ҳар бир жамоат ташкилоти, шу жумладан, касаба уюшмаларининг ҳам устувор вазифаларидан. Бу эса ҳар бир фаолнинг етук савияли бўлишини тақозо этади. Ушбу ўқувда ҳар бир тингловчига масаланинг шу томонини етказишга ҳаракат қилинди. Асосан Ўзбекистон Конституцияси, Меҳнат Кодекси тўғрисидаги маърузалар кўпчиликда яхши таассурот қолдирди. Аминманки, мана шундай машғулотлар тез-тез ўтказиб турилса, фойдадан ҳоли бўлмасди.



Х.ПАЙДОЕВ олган суратлар

**Шарофат ШОРУСТАМОВА, «Тошқоятўқимачи» Ўзбек-Туркия қўшма корхонаси касаба уюшма қўмитаси раиси**

- Корхонамизда 726 нафар киши меҳнат қилади. Мустақиллик йилларида бизда кўплаб янгиликлар жорий этилди. Шу жумладан, ишлаб чиқариш дастгоҳлари замонавий, юксак иш самарадорлигига алмаштирилди. Иш унуми ошди. Биз ўз талабларимизни иш берувчилар олдига дадил қўйиб, мавжуд муаммоларни ҳамкорликда ҳал этмоқдамиз.

Ушбу ўқув менга кўп нарса берди, дея оламан. Чунки билимингни оширмасанг, замондан орқада қолиб кетиш ҳеч гап эмас. Бу эса кўпчиликнинг назаридан қолиш демакдир. Ҳар куни қабулимга ўнлаб одамлар келади. Ишонаманки, бу ерда олган назарий билимлар иш жараёнимда асқотади.

**Толиб ҲАЛИЛОВ, Самарқанд вилоят коммунал фойдаланиш бошқармалараро бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси, «Дўстлик» ордени соҳиби**

Кўп йиллик фаолиятим касаба уюшма ташкилоти билан боғлиқ. Шундан хулоса қилиб айта оламанки, олдимизга қўйилган вазифаларни бажариш учун бошланғич касаба уюшма ташкилотларининг мавқеини, жанговарлигини кўтариш зарур. Токи иш берувчилар биз билан ҳисоблашишсин. Шу боисдан ҳам мана шундай ўқувлар ўтказиб турилиши касаба уюшма фаолларининг билимларини бойитади, илғор иш тажрибаларини амалиётда қўллаш имкониятини яратади. Машғулотлардан сўнг ўзим учун янгилик очгандек бўлдим. Бу ердан бориб, албатта, бошланғич ташкилот етакчилари билан олган билимларимни ўртоқлашаман.

**Неъмат РАФИҚОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

# КОРХОНА КЎМАГИ

«Гулистонёғэкстракт» акционерлик жамияти томонидан Ҳомийлар ва шифокорлар йили муносабати билан ишлаб чиқилган дастурда нафақат корхона ишчи-хизматчиларининг, балки шаҳар аҳолисининг ҳам турмуш шароитини яхшилаш масалаларига эътибор қаратилган. Шунга кўра, корхона вакилларидан иборат махсус комиссия аъзолари Гулистон шаҳрининг 3-мавзесидаги 1- ва 12-кўпқаватли уйлардаги шарт-шароитни ўрганиб чиқди. Мазкур уйларнинг ичимлик суви ҳамда иссиқлик узатиш тармоқлари яроқсиз аҳволга келиб қолгани аниқланди.

Бу муаммони уй-жой мулкдорлари ширкати ҳал этиши қийинлигини ҳисобга олиб, корхона чилангар ва пайвандчилари ишга киришди. Корхона турли ўлчамдаги қувур ва бошқа зарурий воситаларни етказиб берди. 12- уйдаги юқорига сув кўтариб берувчи таянч қувурларининг асосий қисми янгиланди. Ертўлалардаги сув чиқариб ташланди. 48 хонадоннинг барчаси иссиқ ва совуқ сув билан тўлиқ таъминланди. Бу хайрли иш учун корхона жамоаси 3,5 миллион сўм маблағ сарфлади.

- Бу уйларнинг қурилганига 35 йилдан ошди, - дейди 15- хонадон соҳибаси Н.Хайдарова. - Ичимлик суви муаммосидан, қишки совуқлардан анча зада бўлиб қолгандик. Бу йил ҳам қишни азобда ўтказсак керак, деб ўйлагандик. Корхона жамоаси қўмаги билан барча муаммоларимиз барҳам топди.

**(ЎзА)**

*Бозор талаби — қатъий*

***– Нега хўжалигингизни «Қўшбулоқ» деб атагансиз? – деб сўрадим Дўстлик туманидаги пешқадам фермер Шарофжон Ҳусановдан.***

# ДЕБОЧА

– Бу ҳали шартли ном, – деди у мийиғида кулиб. – Бу йилми, келаси йилми, уни «Учбулоқ» деб атаймиз. Бундан ўн йил бурун ер олиб, фермерликни бошлаганимда отам Барот Ҳусанов шундай деб қолди: «Бизнинг хўжаликда чўлнинг турғун аҳолиси яшайди. Улар кўпчилик. Ер майдонларининг ҳаммаси эгали. Сенга 21 гектар ер тегибдими, авайлаб-асраб, ардоқлаб-эъзозлаб, деҳқончилик қилавер. Ҳосилдорликка зўр бер, йил сайин оширишга ҳаракат қил. Ҳозирча пахтачилик ва ғаллачилик билан шуғулланасан. Иккови – икки булоқ. Шунинг учун хўжалигинг номини «Қўшбулоқ» деб ата. Келажакда эса, чорвачилик билан шуғулланишни ҳам ўйла!» «Учбулоқ» деб ўзгартирасан ўшанда.

Отамнинг насиҳати сабаб бўлди-ю, «Қўшбулоқ» деб атадим уни. Ҳосилдорликни ошириш топшириғига келсам, баҳоли қудрат, оз-оздан ошириб келяпмиз. Бултур шу еримизнинг 14 гектарига чигит экиб, ҳосил етиштирдик. Оллоҳ баракасини берса, оз ердан ҳам кўп даромад олса бўларкан. Ҳар гектар майдондан 48,2 центнердан «оқ олтин» йиғиб олдик. Бу шартномавий режамиздагидан гектарига 18,2 центнер кўп дегани. Бошқача қилиб айтсам, 26,2 тонна қўшимча ҳосилдир. Яна 14,6 миллион сўм соф фойда дегани экан. Шу тариқа ҳосилдорлик бўйича вилоятда иккинчи ўринни олдик.

Ғаллачилигимиз ҳам ёмон бўлмади. Ҳар гектаридан 65 центнердан хирмон тўпладик. Ялпи ҳосилнинг ярмини ўзимизда қолдириб, ярмини эл хирмонига элтдик.

**– Мана, фермерликда 10 йиллик тажриба орттирибсиз. Ана шу йиллар ичида пахта ҳосилдорлиги қанча ортди?**

– 1998 йили ҳар гектар пахтазоримиздан 28 центнердан ҳосил йиғиб олгандик. Ўтган йил эса 48,2 центнер бўлди. Худо хоҳласа, бу йил элликни ният қилаяпмиз. Демак, 8 йилда 20 центнер оширишга эришибмиз.

Бурноғи йил 11 миллион сўм соф фойда олиб, техникаларимизни мукаммал таъмирладик, лотокларимизни бутладик, маъданли ўғитлару уруғлик ва нефт маҳсулотлари учун кредитни кутиб ўтирмадик. Хуллас, ишларимиз натижасидан мамнунмиз.

**– Негадир бурноғи йилги 45 центнер учун икки миллион сўм мукофот олганингизни айтмаяпсиз?**

– Ие, шуни ҳам эшитган экансиз-да?! Вилоят ҳокими «Наврўз» байрамида жамоамизга шундай эҳтиром кўрсатиб, бошимизни кўкка етказгани рост. Шу ишончни оқлаш учун астойдил интилаяпмиз.

**Келдиёр ЖЎРАҚУЛОВ**

*Хабарлар оқимидан*

## КЎНГИЛ МАЛҲАМИ

***Қашқадарёда ҳар ҳафтанинг якшанбаси «Ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар ҳолидан хабар олиш куни» деб белгиланди. Вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси, тармоқ ходимлари қўмита ва вакилликлари раҳбарлари шу куни ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар ҳолидан хабар олиб, кўнгил сўрайдилар.***

Бирлашма раиси Э.Ражабов, Таълим ва фан, Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши раислари Ш.Кубаев, И.Сабдоров ва бошқалар Қарши шаҳрининг Догузар ва Чақар маҳаллалари, Қарши, Чироқчи, Яккабоғ, Муборак туманларидаги кам таъминланган оилалар ҳолидан хабар олиб, уларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватладилар.

## УЧ ОЙЛИК ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

***Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши шу йилнинг биринчи чорагини касаба уюшмалари уч ойлиги, деб эълон қилди.***

Қишлоқдаги ишлар бир мунча енгиллашган бу даврда фаоллар деҳқон ва фермер хўжаликлари касаба уюшма ташкилотларида бўлиб, ташкилий-оммавий, ижтимоий ҳимоя, техника хавфсизлиги, меҳнат муҳофазаси масалаларини ўрганиб, касабақўм раисларига амалий ёрдам кўрсатаяптилар.

Айни пайтда воҳада 19 мингдан ортиқ фермер хўжаликлари фаолият кўрсатаётган бўлиб, уларда 4 мингта касаба уюшма гуруҳлари, 222 та цех ва 42 та бошланғич ташкилотлар тузилди.

Шунингдек, Косон, Қарши, Касби, Шаҳрисабз, Китоб туманлари бошланғич касаба уюшма ташкилотларида ташкилий-оммавий, маданий-маърифий ишларни олиб бориш юзасидан тавсиялар берилди.

**Ўз мухбиримиз**

*Бошланғичда нима гап?*

***Инсон омилига эътибор олий қадриятларимиздан ҳисобланади. Шу боис тармоқ кенгаши диққат-эътибори ана шу жиҳатларга қаратилди. Соҳа ходимлари ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ҳимоясини юксак поғоналарга кўтаришга интилдик.***

# БЕПУЛ ЙЎЛЛАНМАЛАР

Юртимизда меҳр-шафқатга муҳтож кишиларга кўмак кўрсатиш, уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш одатий тус олган. Соҳа ходимлари орасида ижтимоий мададга эҳтиёжманд кишилар, ногиронлар, кам таъминланган хонадонлар йўқ эмас. Туман ва шаҳар кенгашлари, вакилликлар орқали ҳар бир эътиборга муҳтож кишига ҳамдард, ҳамкор бўлишга интилдик. Биргина ўтган йилда моддий кўмакка муҳтож 479 нафар ногирон, кўп болали, кам таъминланган хонадон фарзандларига касаба уюшма маблағлари ҳисобидан 2 миллион 992 минг 440 сўм миқдоридаги моддий ёрдам кўрсатилди. Халқ таълими соҳасида хизмат қилаётган 42 нафар камхарж кишиларга 84 минг сўмлик совға-саломлар, 412 минг сўмлик моддий кўмак ажратилди. Соҳада самарали ишлаган, айни чоғда 70 ёшга тўлган 7 нафар меҳнат фахрийлари 187200 сўмлик эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Ходимлар саломатлигини муҳофазалаш, уларнинг соғлом турмуш тарзини шакллантириш диққат марказимизда бўлди. Соҳа ходимларининг 82 нафари мамлакатимиздаги турли сиҳатгоҳларда дам олдирилди. 36 нафар касб касаллигига чалинган ходимлар касаба уюшма назоратига олинган. Улар учун тиббий назоратни таъминлашни ташкил этаяпмиз. Ана шундай дарддмандларнинг 29 нафари касаба уюшмалари маблағи ҳисобидан бепул дори-дармон билан таъминланди. Даволанишлари учун бепул йўлланмалар берилди. Бундан ташқари, уруш қатнашчилари, уларга тенглаштирилган кишилар ва байналмилалчи жангчилар ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб турилди.

Соҳа ходимлари негизини аёллар ташкил этади. Улар саломатлигини мустаҳкамлаш, спортга жалб этиш пайида бўлдик. Барча туман ходимлари аёллари ўртасидаги спорт мусобақалари босқичма-босқич ташкил этилди. Ана шу мақсадларга 209 минг сўм маблағ сарфланди. Ундан кейин таълим ходимлари спартакиадасини ташкиллаштирдик. Унда барча мактаб ва боғча ходимлари иштироки таъминланди. Умумжамоа беллашувларининг 18 нафар ғолиби муносиб тақдирланди. Ҳар бир учрашувда аёллар иштироки алоҳида назоратга олиниб, 185 нафар хотин-қиз ташкилот эътирофига сазовор бўлди. Бахсларни турли шаклларда ўтказиш, оилавий спорчиларни шакллантириш диққат марказимизда бўлди. Отам-онам ва мен дастури асосида мусобақалар моддий ва маънавий жиҳатдан назоратга олинди. Ана шундай учрашувларни ташкиллаштирган Мирзаобод, Оқолтин, Ховос, Гулистон туманлари, Гулистон шаҳридаги мактабларга теннис столлари тақдим этилди. Спорт беллашувларига вилоятдаги 5162 нафар таълим ходимлари жалб этилди.

Илм толибларининг мароқли дам олиши ҳам режа асосида амалга оширилди. Табиат қўйнидаги 7 та оромгоҳда меҳнаткашларнинг 452 нафар фарзандлари соғломлаштирилди. Касб-ҳунар коллежларида 12 та соғломлаштириш оромгоҳлари ташкил этилиб, 1236 нафар болалар дам олиши мазмунан бойитилди. Гулистон шаҳрида "Саломатлик маркази" ташкил этилиб, унда 60 нафар мактаб ўқувчилари соғломлаштирилди. Ўрни келганда Гулистон Давлат университети касаба уюшма ташкилоти амалга оширган ишларни тилга олишни жоиз деб ўйлайман. Бу ерда 240 нафар мураббий ва талабалар бошланғич ташкилот ёрдамини ҳис қилдилар.

**Миржалол ОТАБЕКОВ, Сирдарё вилоят таълим ва фан ходимлари касаба уюшма кенгаши раиси ўринбосари**

# ИНСОН ОМИЛИ БОШ МЕЗОН

***Ҳар бир инсон энг яхши ва гўзал фикрларини бошқалар билан баҳам кўради, ўртоклашади. Хат ва мактублар орқали бир-бирини кўрмаган, билмаган қалблар дўстлашади, ҳамфикр ва ҳамкор бўлади. Сатрлар эса эзгу ниятлар, қувонч ва ташвишлар, истиқлол яратган имкониятлар туфайли буюк келажакдан шивирлайди.***

Шу ўринда бир мисол келтирмоқчимиз. Янги йилнинг дастлабки иш кунларидан бири эди. Эрталабдан пайдар-пай жиринглаган телефон овози кўнгилда жо бўлган режаларни тўзғитиб юборди.

– Алло, "Ишонч" газетаси таҳририятими? Ҳасан Рўзиевман. Сурхондарё вилоятининг олис тоғли қишлоғидан қўнғироқ қилаяпман. Нега ўтган йил ҳисобидан битта кам чиқардингизлар?..

Режалаштирилган барча сонлар газетхон қўлига етиб борганини, яхшилаб қараб чиқишлигини тушунтирдик. Аммо у киши унамади. Яқинда эса у қайта қўнғироқ қилиб, саноқда адашганидан ҳижолат чекиб, узр сўради...

Айнан шу мисолга эътибор қаратганимиз бежиз эмас. Ҳар қайси замонда мактублар мушоҳада юритишга, фикрлар алмашишга имкон яратган. Бизнинг даврда матбуотлар орқали фикрлашишга иштиёқ катта. Қўнғироқ қилган мухлисимиз ҳам ўз хат-хабарлари орқали ўқувчи эмас, жамоатчи мухбирга айланганлардан.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши муассис бўлган газетамизнинг фаолият мезони истиқлол билан чамбарчас боғлиқ. Сўнгги йилларда унинг саҳифаларида хилма-хил рукнларнинг кўпаяётгани, тадбиркорлик, ҳуқуқий маслаҳатхона, маънавият ва спорт бўлимлари фаолияти кенгайиб, "Матбуот тўғрисида"ги қонун талаблари бўйича ислоҳотлар жараёнига чуқурроқ кириб бораётгани ифодаси ўлароқ жойлардаги жамоатчи қаламкашлар ҳам биз билан ҳамкорлик қилишга ва хат-хабар йўллаб, янгиликлардан кўпни бохабар қилишга ошиқаётирлар.

Мустақилликнинг дастлабки кунларидан ҳукуматимиз асосий эътиборни инсон манфаатларини оширишга, унинг ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя этишга қаратди. Ислоҳотлар мезонидаги ана шу асосий жараённи ҳаётга татбиқ этишда касаба уюшмалари ташаббускорликни қўлга олиши, корхона ва жамоа ташкилотларида етакчилик қилиши лозим, албатта. Бироқ тизим яловбардорларининг саъй-ҳаракати билан меҳнат аҳлига яратилаётган шарт-шароитни республикамизда ҳамма ҳам билавермаслиги мумкин.

Шундай кезларда хат-хабарлари орқали ҳамкорлик қилиб келаётган жамоатчи мухбирларимизнинг айниқса, тутган ўрни бўлакча. Қашқадарёлик Х.Тўраев, Ҳ.Хушвақтова, Б.Очилов, Сурхондарёдан Ж.Хушбоқов, Э.Рўзиев, Самарқанддан Р.Ботиров, Бухоролик А.Янгиев ва З.Баҳодиров, Тошкент вилоятидан Ҳ.Темиров, А.Каримов сингарилар бозор иқтисоди шароитида меҳнат жамоаларининг ибратли ишлари ва касаба уюшмалари аҳолининг ижтимоий муҳофазасига оид жойларда амалга ошираётган ғамхўрлиги борасидаги хабарлари билан саҳифалар мазмунини оширишда ҳамиша мададкоримиз бўлишаётир.

Меҳнат жамоасида фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳимояси жамоа шартномаларидаги келишувга кўра йўлга қўйилган бўлса, ўша жойда фаровонлик, иш унумдорлиги ошиб бораверади. Таҳририятимизга келаётган юзлаб хат ва хабарларда жамоа шартномаларига амал қилиб, фаолият мезонини такомиллаштираётган кўплаб корхоналар ва ташкилотлар ўз ифодасини топган ҳамда улар саҳифаларда ёритилиб борилаётир.

Аммо беш панжа баробар эмас. Баъзи мактубларда ишлаб чиқариш ва меҳнатга оид қонунларни хаспўшлаб ишчи ҳақ-ҳуқуқини камситаётган, жамоа шартномасини номигагина қабул қилиб, амалда унга ўзи риоя этмаётган мутасаддилар ҳақида ҳам фикрлар юритилади.

Масалан, наманганлик З.Акромовнинг ёзишича, ўтган тўрт йил давомида корхонада ҳалол ва виждонан ўз бурчини бажариб келган. Бироқ маъмурият ташаббуси билан ҳеч бир асоссиз у ишдан бўшатилган. Меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги тўғрисидаги буйруқдан кўчирма ва меҳнат дафтарчаси берилмагани боис, шикоят хати билан бизга мурожаат этганди. Таҳририят ҳамда вилоят касаба уюшмаси аралашуви туфайли у ўз ишига қайта тикланди.

Ёки сурхондарёлик С.Бойматов номли ширкат хўжалиги ишчиси Н.Аликулов жамоада 45 йилдан буён меҳнат қилиб келаётгани, шундай бўлса-да, раҳбарларнинг масъулиятсизлиги сабабли 500 минг сўмдан ортиқ иш ҳақини бир йилдан буён ололмасдан сарсон бўлаётганини ёзган. Ушбу масалани оқилона ҳал этиш ва ишчи ҳақ-ҳуқуқини ҳимоялашни сўраб, таҳририят номидан вилоят ҳокимлигига хат жўнатилди ва уларнинг бевосита аралашувидан сўнг Н.Аликуловга иш ҳақи тўлиқ тўланди.

Хатлар дилни дилга боғлайди. Ошкораликни таъминлайди. Бироқ ундаги сатрлар ёлғон сўзласа-чи? Яхшиси, мана бу мисолга эътибор қаратсак. Ўтган йил кузакда Асака тумани пиллакорлари эришган ютуқлар билан бирга етиштирилган хомашёга ҳақ тўлашда "Пилла" жамиятидаги мутасаддиларнинг масъулиятсизликка йўл қўяётгани танқид остига олинганди. Мақола чоп этилгач, масалага ойдинлик киритиш мақсадида, расмий хат орқали вилоятдаги мутасаддиларга мурожаат этгандик. Орадан ҳеч вақт ўтмай тегишли ташкилотлардан жавоб олдик. Унда таъкидланишича, қарздорликка барҳам берилиб, ишчилар ва хўжаликлар билан тўлиқ ҳисоб-китоб қилинибди. Мавзуга яна қайтилганда эса умуман ҳеч иш қилинмагани, тармоқдаги аҳвол ўзгармагани аён бўлди. Хўш, бундан кимга фойда-ю, кимга зиён?

Яна бир гап. Муаммо ва нуқсонлар ўз-ўзидан чиқмайди, четдан биров келиб ўнглаб бермайди ҳам. Уни ўзимиз жойида ҳал этишимиз лозим. Шу маънода, таҳририятимизга ана шу мазмундаги хатлар ҳар куни келиб туради. Аммо унинг барчасини бевосита ўрганиб чиқиш имкони йўқ. Шу боис, адолатли ҳал этиш учун тегишли мутасадди ташкилотларга мурожаат этамиз. Хат ортида инсон тақдири, ечимини кутаётган муаммолар бўлса-да, айримлар негадир унга бефарқ. Масалан, таҳририят номидан пойтахт вилоятида тўртта, Жиззахда 7 та, Хоразмда 4 та, Бухорода 9 та, Самарқандда 3 та, Андижонда 5 та, Фарғонада 4 та ўрганиб ҳал этиш учун юборилган хатларга орадан қанча вақт ўтган бўлсада, ҳанузгача жавоб йўқ... Ваҳоланки, "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги қонунда ҳар қандай хат-хабарга бир ой муддат ичида жавоб бериш лозимлиги кўзда тутилган.

# ХАТЛАР — ҲАЁТ КЎЗГУСИ

*Миннатдорчилик*

## БОР БЎЛ, ЯХШИЛИК!

Мустақиллик йилларида инсон омилига ва уни ҳар жиҳатдан ижтимоий муҳофазалашга эътибор кўчайди. Қорақалпоғистон ҳудудий жиҳатдан чўл шароитига мослашган. Об-ҳаво ноқулай келган мавсумларда қурғоқчилик қатори турли касалликларнинг келиб чиқиши, одамлар яшаш шароити оғирлашиши табиий ҳол. Мана шундай пайтда ҳукуматимиз томонидан қатъий чоралар кўрилаётгани фаровонлигимизни оширишга омил бўлаётир. Фармон ва қарорлар ижросини таъминлаш ҳамда ҳаётга татбиқ этишда касаба уюшмалари ҳам жонбозлик кўрсатишаётир.

Чимбой туманидаги қишлоқ хўжалиги машина-трактор паркида кўп йиллар меҳнат қилдим. Касбим айрим пайтларда кечани кеча, кундузни кундуз демай ишлашни тақозо этарди. Хуллас, саксонинчи йилларда касб касаллигига йўлиқиб, ногирон бўлиб қолдим. Кўп жойлардан, маъмуриятдан мадад сўраб кўрдим, аммо фойдаси бўлмади. Биров ҳолинг не кечаяпди, деб сўрамади.

Республика касаба уюшмаларига мурожаат этгач, муаммолар барҳам топди. Бир неча йиллардан буён уларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли юртимиздаги турли санаторийларда бепул дам оламан. Айниқса, "Чинобод", "Ботаника" каби сиҳатгоҳларда меҳнаткашларга яратилаётган шарт-шароитлар нафақат дардга даво беради, балки руҳни тетиклаштириб, тезроқ тузалишга ва саломатликни тиклашга имкон яратади.

Икки йилдирки, дарддан тўлиқ форғ бўлдим. Севимли корхонамга ишга қайтиб, ҳамкасбларим сафидаман. Шундай имкониятга эга бўлишимда касаба уюшмалари ва санаторийлардаги шифокор, мутахассисларнинг ҳиссасидан миннатдорман.

**Муратбой СИТОВ,**
**Қорақалпоғистон Республикаси**

*Ижтимоий ҳимоя*

***Истиқлол йилларига келиб миллий қадриятларимиз қонунларимизга кўчди, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Маънавий ислоҳотлар пойдеворини мустаҳкамлашда энг оммавий жамоат ташкилоти сифатида касаба уюшмаларининг нуфузи тобора ортиб бораётир.***

## ЖАМОА ШАРТНОМАСИ

### ишловчи ундан қандай наф кўраяпти?

Бекобод тумани соғлиқни сақлаш бўлими тасарруфида 2250 нафардан зиёд ходимлар меҳнат қилади. Жамоа шартномаси бандларига кўра иш берувчи ҳамда касаба уюшмаси ҳамкорлигида меҳнат аҳлини ижтимоий муҳофазалашга алоҳида эътибор қаратилаётир. Ўтган йили кам таъминланган ва кўп фарзандли ишловчиларга 10 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилган бўлса, жорий йилнинг шу кунигача 178 нафар ана шундай кишилар учун бир миллион сўм маблағ сарфланди.

Шулар қаторида шартномаларда белгиланганидек, меҳнат аҳлига шарт-шароитлар яратилиб, қўшимча иш вақти учун рағбатлантиришлар жорий этилган. Ўн беш нафар меҳнат фахрийлари касаба уюшмаси бошчилигида ижтимоий ҳимоя олинган ва улар ҳолидан хабарлашиб турилибди. Яхши ишлаган киши мазмунли дам олишни ҳам билиши керак. Ўтган мавсумларда бу масалага алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, "Сеҳам жамоа шартномамиздан кенг ўрин олган. Ана шундай кишилардан 8 нафари ой якуни бўйича рағбатлантирилди. Умуман, жамоа шартномаси меҳнат унумдорлигини оширишда ва жамоага шароитлар яратишда жуда қўл келаётир.

машко" ва "Ташминвода" сиҳатгоҳларида 20 га яқин ходимларимиз соғлиқларини тиклашди.

Ишчи ўзи бажараётган юмушидан қаноатланса, меҳнати рағбатлантирилиб борилса, масъулият ва унумдорлик шунча кўзга ташланавераркан. Туманимиз соғлиқни сақлаш тизимларида фаолият кўрсатаётган ишчилар мисолида бу яққол сезилаётир. Ходимлар ўз юмушларини пухта бажариши қаторида турли касалликлар келиб чиқишининг олдини олиш борасида таклиф ва ташаббуслар кўрсатишаётир. Соҳани ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшаётганлар меҳнатига эътибор қаратиш ҳам жамоа шартномамиздан кенг ўрин олган. Ана шундай кишилардан 8 нафари ой якуни бўйича рағбатлантирилди. Умуман, жамоа шартномаси меҳнат унумдорлигини оширишда ва жамоага шароитлар яратишда жуда қўл келаётир.

**Илҳомжон СУЛТОНОВ,**
**туман соғлиқни сақлаш бўлими касаба уюшма қўмитаси раиси**

*Бандлик дастури-амалда*

## 500 КИШИ ДОИМИЙ ИШЛИ БЎЛДИ

***Бозор иқтисоди шароити тадбиркорлик ва ишбилармонликни хушлайди. Ана шу ақидага амал қилган корхона ва ташкилотлар муаммоларга барҳам бериб, ишлаб чиқаришни шакллантираяпти. Меҳнат аҳлининг эркин ишлашига имкониятлар яратаётир. Лекин аксинча, давр талабидан ортда қолиб ўз-ўзидан "синаётганлар» ҳам йўқ эмас. Касаба уюшмалари ташаббуси билан жойларда ҳамкорликда ўтказилаётган меҳнат ярмаркалари муаммоларнинг олдини олишга ва янги ишчи ўринлари барпо этишда асосий омил бўлаётир.***

Қўқон шаҳри аҳолиси зич жойлашганлиги билан ажралиб туради. Қаердадир ишчи кучи етишмаслиги, бошқасида эса ортиқча бўлиши табиий ҳол. Ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг олдини олиш мақсадида касаба уюшмалари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ва меҳнат биржалари ҳар йили уч-тўрт бор меҳнат ярмаркаларини уюштираётир. Яқинда ўтказилган ижтимоий шерикчиликдаги меҳнат ярмаркаси ҳам кўпчилик эътиборини ўзига жалб қилди. Тадбирда шаҳар ва Данғара туманидаги мавжуд ишлаб чиқариш корхоналари ҳамда кичик корхоналардан 70 дан ортиғи иштирок этди.

Унда бўш жойлар ва иш ўринлари аниқланиб, унинг ҳақиқий даъвогарлари ҳам маълум бўлди. Тасарруфда истиқомат қилувчи кўплаб кишилар ўзларига мос иш топа олганлигидан мамнун бўлишди. 100 нафар киши жамоат юмушларига жалб этилди. Кичик ишлаб чиқариш корхоналарига 150 нафар киши жойлаштирилган бўлса, 115 нафар ёшлар қайта ихтисослаштирилиб, янги мутахассисликларга йўналтирилди. Ана шу меҳнат ярмаркасида 500 нафар киши доимий иш билан таъминланди.

**Комилжон МУСТАФОЕВ,**
**Фарғона вилояти**

## НАФАҚАГА

### автомашина билан кузатишди

***Қаердаки ишчи манфаати устуворлиги таъминланса, ўша жойда ишлаб чиқариш самарадорлиги ортади, меҳнатга унум қўшилади. Тўрақўрғон тумани йўл қурилиши пудрат-таъмирлаш корхонаси меҳнат аҳли бир неча йилдирки, унга қатъий амал қилиб келаётир.***

Меҳнатнинг тўғри тақсимлангани ва ишчилар ижтимоий муҳофазасига эътибор кучайтирилаётгани боис, инфратузилма кенг шакллантирилмоқда. Тасарруфдаги 203 километрли йўллар сифатли таъмирланиб, аҳолига қулай шароитлар яратилаяпти. Ишлаб чиқаришга янги технологияларнинг жорий этилгани ҳамда мутахассислар ихтисослаштирилиб, ишбилармонликка кенг йўл очилгани иқтисодни мустаҳкамлаб, қўшимчалари ярадаромад ишчи ўринтишга ва мустаҳкам асос манбаини камлашга бўлаяпти.

*Офарин*

Ўтган даврда жамоа шартномасига кўра ишлаб топилган маблағнинг бир қисми ижтимоий соҳаларни ривожлантиришга йўналтирилди. Хусусан, 55 ёшдан нафақага чиқувчи 120 нафар кишига ҳамда кам даромадли 30 нафар ишчига бир ойлик миқдорида моддий ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, корхонада ишчилар саломатлигини муҳофаза қилишга ҳам эътибор кучайтирилган. Меҳнат аҳлининг барчаси бепул тиббий кўрикдан ўтказилиб, хасталиклари аниқланган 11 нафар ишчи бепул даволантирилди, 18 киши санаторий-профилакторийларда дам олиб, соғлиқларини тиклашди.

Эътиборлиси, корхона жамоаси ишдан сўнг бозор-ўчар учун вақт сарфлаб шаҳарга бориб юрмайди. Сабаби 14 гектарли ёрдамчи хўжаликда етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозорлардагидан арзон нархларда тарқатилмоқда.

Иш берувчи ҳамда касаба уюшмасининг ўзаро ҳамкорлиги ва жамоа шартномаси бандларига риоя этилаётганлиги туфайли ана шундай имкониятлар яратилди. Бундан ташқари, жамоа аҳли туманда истиқомат қилаётган кам таъминланган 5 та хонадонга ва 2 та кичкинтойлар масканига ҳам беминнат ҳомийлик қилаяпти.

Умуман, бу ерда ишловчи манфаати ҳамиша қадрда. Яқинда узоқ йиллар меҳнат қилган оддий ишчи Рустамжон Мақсудовни нафақага кузатиш маросими бўлиб ўтди. Тажрибали мутахассиснинг соҳа ривожига қўшган кўп йиллик ҳиссаси қадрланиб, унга "Волга" автомашинаси бепул совға қилинди.

**Солижон ИБРОҲИМОВ,**
**Наманган вилояти**

*Маънавият*

***Юртбошимизнинг "... Маънавиятни мустаҳкамлаш учун меҳнат ва маблағни аяш ўз келажагига болта уриш демакдир" деган сўзлари тобора қалбларга жо бўлмоқда. Андижон вилоят ҳокимлигининг "Маънавият ва маърифат маркази"ни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ҳамда бу борадаги ишларни тўбдан яхшилаш юзасидан қабул қилган қарори давлатимиз раҳбарининг даъватига амалий жавоб бўлди.***

## ТАРҒИБОТЛАР УЗЛУКСИЗЛИГИ

### авлод баркамоллигига хизмат қилмоқда

Вилоят "Нуроний" хайрия жамғармаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ва касаба уюшмалари ҳамкорлигида жойларда туман ва қишлоқ фуқаролар йиғинларида ўтказилаётган учрашув ва тадбирларнинг мазмун-моҳияти кенг қамровли бўлиб, асосий мақсад ёшлар тарбияси ва улар маънавиятини баркамоллаштиришга йўғрилган. Олис қишлоқларда ва ташкилот, муассасаларда бўлиб ўтаётган семинар-кенгашларда маънавиятимизни бойитишдаги қадимий анъаналардан ҳам самарали фойдаланилмоқда. Шунингдек, ёшлар билан фикр алмашилиб, барча муаммолар бартараф этилаётир.

"Нуроний" хайрия жамғармаси Избоскан туман кенгаши раиси Хайрулла Эркабоевнинг таъкидлашича, ҳамма вақтда ва ҳар қандай жамиятда ақл-заковатга муҳтожлик сезилиб турган. Бир пайтлар шу мавзуга йўналтирилган тадбирларнинг аксарияти фақат шаҳарларда, катта-катта корхоналарда бўларди. Ҳозир аҳвол тубдан ўзгарди. Суҳбатлар, учрашувлар ва ошкора мулоқотлар кўпроқ қишлоқларда ўтказилиши лозимлигини ҳаётнинг ўзи тажрибадан ўтказди. Қолаверса мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар мазмунмоҳиятини теранроқ англаб олиш давр тақозосига айланди.

Дарвоқе, кейинги ярим йилликда бу каби тадбирларнинг узлуксизлигини таъминлашга эришиш натижасида яхши самаралар қўлга киритилмоқда. Таҳлиллар интизомсиз оилалар ва вояга етмаган ёшлар ўртасида содир этилаётган турли жиноят ва қонунбузарликлар салкам 50 фоизга камайганини кўрсатаётир.

**Абдумалик ИРИСОВ,**
**Андижон вилояти**



*2006 йил — Ҳомийлар ва шифокорлар йили*

***Меҳр-оқибат барқарор бўлган юртда фуқаролар азият чекишмайди. Ёрдамга мухтожлар, кексалар, ногиронлар эл ардоғида, меҳр оғушида иззатланади. Бу фазилатлар одамийликка хосдир. Амалдаги йил "Ҳомийлар ва шифокорлар йили"дея эътироф этилиши ва бу борада давлат дастурининг қабул қилиниши эса аниқ режа асосида мақсадли ёрдам кўрсатиш самарадорлиги ошишини таъминламоқда.***

## ЁЛҒИЗЛАРГА МАДАД

Шу боис меҳр-шафқатга, эътиборга муҳтож кишиларга амалий мадад кўрсатиш, улар мушкулини енгиллаштиришга кенг жамоатчиликни жалб этаяпмиз. Туманимизда 400 нафарга яқин ногиронлар истиқомат қилади. 230 нафар фуқаро болаликдан, 170 нафари эса турли хасталиклар ва бахтсиз ҳодисаларга учраб саломатликларидан айрилган фуқаролардир. Туман ижтимоий таъминот бўлими, соғлиқни сақлаш бўлими ҳамда касаба уюшмалари ҳамкорлигида дастур ишлаб чиқилиб, ҳомийлар белгиланди. Ногиронлар ҳолидан хабар олиш, уларни моддий қўллаш ва дори-дармонлар билан таъминлаш қатъий йўлга қўйилди.

Шунингдек, ногирон ва муҳтожлар истиқомат қилаётган ҳовли-жойларни тартибга келтириш, уйларини таъмирлаш ишларига кенг жамоатчилик қаторида якка тартибдаги субъектлар ҳамда фермерлар ҳам яқиндан кўмаклашаётир. Ўтган ойда бўлимимиз томонидан бир ярим миллион сўмлик ҳомийлик ёрдами кўрсатилди. Фермер ва тадбиркорлар ҳисобидан эса тўрт миллион сўмлик хайрия ишлари бажарилди.

Муҳтожларни ижтимоий ҳимоялаш ва ҳомийлик мадади кўрсатишда, айниқса, туман агросаноат мажмуи ҳамда тиббиёт ходимлари касаба уюшмалари ҳиссаси катта бўлаётир. Хусусан, 4 нафар кишига махсус аравача, қўлтиқтаёқ, протез-ортопедия, дори-дармон ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берилди. Ҳомийлик ва саховатли ишлар туфайли муҳтожлар муҳтожлик сезмайди.

**Абдували ЭСЕРГАПОВ,**
**Гулистон тумани ижтимоий таъминот бўлими мудири**

*Ҳақ-ҳуқуқимизни билайлик, уни ҳимоя қила олайлик*

## ОЛТИ ОЙ САРСОНГАРЧИЛИКДАН СЎНГ

Соғлом фарзанд юрт келажаги. Мустақиллик йилларида бошқа соҳалар қаторида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш давлат сиёсати даражасига олиб чиқилди. Хусусан, туғиш ёшидаги аёллар фарзандли бўлганидан сўнг у икки ёшга тўлгунича алоҳида имтиёзларга эга ҳамда давлат томонидан бола тарбияси учун нафақа билан таъминланган. Афсуски, айрим мутасаддилар шуни билгани ҳолда, уларни ижтимоий муҳофаза қилиш ўрнига нафақа пулига кўз олайтираётгани ачинарли ҳол.

Гурлан туманидаги "Намуна" ширкат хўжалиги ишчиси Ҳамида Ёдгорова кўп йиллар жамоада меҳнат қилиб, шу ерда бахтини топганлардан. Умр йўлдоши Отабек билан бирга ишлаб турмуш қуришди. Кўп ўтмай фарзандлари туғилгач, хонадонга янада файз кирди. Бола тарбияси учун нафақа белгиланганидан севиниб, зарур ҳужжатларни ширкат маъмуриятига тақдим этишди.

Бироқ ҳар гал у нафақа пули учун идорага келганида бу ердагилар ведомостга қўл қўйдириб, ажратилган маблағни беришни "унутишди". Бахтга қарши, ширкат хўжалиги тугатилиб, фермерларга айланди. Ачинарлиси, нафақа пулларини ўз эгасига қайтаришни бирорта мутасадди зиммасига олмаганидадир. Истиҳоланинг ҳам чеки-чегараси бўлади. Шундан сўнг Ҳ.Ёдгорова ҳақ-ҳуқуқини талаб этиб, идорама-идора юрса-да, унинг дардига қулоқ тутадиган топилмади.

Унинг таҳририятимизга ёрдам сўраб йўллаган хатида шундай жумлалар бор: "... 428 минг сўм нафақа пулига бош ҳисобчи қўл қўйдириб, чек берган. Унда на муҳр бор, на мутасаддининг исми-шарифи. Ҳар гал пулни сўраб борсак, турли баҳоналарни рўкач қилади...".

Собиқ "Намуна" ширкат хўжалигини тугатиш комиссияси раиси Янгибой Аллаёров билан бу борада қилинган мулоқотимиз масалага ойдинлик киритди. Шунингдек, тегишли ҳужжатлар қалбакилаштирилгани, туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасида сақланаётган ширкатга оид материалларда у киритилмагани ҳам аёнлашди.

Ҳақли савол туғилади: фарзанд тарбияси учун ҳукуматимиз томонидан ажратилаётган нафақа пуллари кимлардир томонидан кўр-кўрона ўзлаштирилса-ю, жойлардаги баъзи мутасаддилар, ҳуқуқ-тартибот органлари нега бунга беэътибор. Ахир, Ҳ.Ёдгорова ҳам таҳририятга мурожаат қилгунига қадар ўша даргоҳларнинг ҳам эшигини тақиллатган эди-ку!

**С.ҚОДИРОВ,**
**журналист**

ТАҲРИРИЯТДАН: мақола чоп этилаётганда Ҳамида Ёдгоровадан телеграмма хати олдик. Унда таъкидланишича, сарсон-саргардонликлар барҳам топиб, олти ойлик можарога чек қўйилибди, 428 минг сўм нафақа пули кеч бўлса-да, қайтарилибди.

Ҳайрият. Аммо юқоридаги сарсон-саргардонлик бўлмаса янада яхши эди.

Саҳифани Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ тайёрлади

## Биздан сўраган эдингиз

***Савол: шикоят кўриб чиқилмасдан қолганда кимга мурожаат қилиш керак. Оғзаки тарзда қилинган шикоят ҳам эътиборга олинадими?***

**Қ.ҲАКИМОВ,**
**Касби тумани**

### Саволингизга ТДЮИ "Фуқаролик ҳуқуқи" кафедраси ўқитувчиси Бахтиёр Аҳмаджонов жавоб беради

**Жавоб:** гарчи Республикамиз Конституциясининг 35-моддасида "Ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларга ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоят билан мурожаат қилиш ҳуқуқи" назарда тутилган бўлса-да, фуқароларнинг шикоят қилиш ҳуқуқи Конституцияда яна алоҳида моддада қатъий белгилаб қўйилган. Унга кўра, "Ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади". Мазкур нормани амалиётда кенг қўллаш ҳамда фуқароларнинг бузилган ҳуқуқ ва эркинликларини тиклашни таъминлаш мақсадида "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида", "Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида"ги қонунлар қабул қилинган.

"Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида"ги қонуннинг 1-моддасида "Ҳар бир фуқаро давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёки мансабдор шахсларнинг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари (қарорлари) билан ўз ҳуқуқлари ёки эркинликлари бузилган деб ҳисобласа, шикоят билан судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга" эканлиги назарда тутилган. Шунингдек, бу ҳуқуқдан чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳам фойдаланишлари мумкин.

Шикоят фуқароларни мурожаат қилиш ҳуқуқининг амалиётда энг кенг тарқалган тури бўлиб, шикоят деганда, "фуқароларнинг бузилган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини тиклаш тўғрисидаги талаби баён этилган мурожаат" тушунилади (Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги қонуни, 5-модда 4-қисм). Фуқаролар Конституцияда назарда тутилган шикоят қилиш ҳуқуқидан фойдаланишлари учун, муайян фуқаронинг қонунда назарда тутилган ҳуқуқлари, эркинликлари бузилган ва манфаатларига зарар етган бўлиши керак. Акс ҳолда, мазкур ҳуқуқдан фойдаланиш зарурати вужудга келмайди.

Шу ўринда табиий савол туғилади: агар фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари бузилишига суд органларининг ўзлари сабаб бўлса, фуқаролар бундай ҳолатларда кимга ёки қайси давлат идорасига мурожаат этишлари мумкин? Қонунда белгиланган қоидага мувофиқ, фуқаролар шикоят билан юқори турувчи судга ёки Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи вакилига мурожаат этишлари мумкин.

Шикоятни қилиш оғзаки ва ёзма шаклда бўлиши мумкин. Унинг ҳар икки шакли ҳам бир хил аҳамиятга эга. Бироқ ёзма шикоятга қонунда бир қатор талаблар назарда тутилган бўлиб, улар қуйидагилардан иборат: шикоят қилаётган шахснинг фамилияси (исми, отасининг исми), яшаш жойи тўғрисидаги маълумот кўрсатилган, шикоятнинг моҳияти баён этилган бўлиши, у шикоят қилаётган шахс томонидан имзоланиши, бунинг имконияти бўлмаган тақдирда шикоят ёзиб берган шахс имзоси билан тасдиқланган бўлиши, унинг ҳам фамилияси (исми, отасининг исми) ёзиб қўйилиши мумкин. Агар шикоятда бундай маълумотлар кўрсатилмаган ёки сохта маълумотлар кўрсатилган, имзо қўйилмаган ёзма шикоятлар аноним деб ҳисобланади ва кўриб чиқилмайди.

Шикоятни кўриб чиқиш учун бошқа давлат органларига асоссиз равишда бериш ёки қарори ёхуд ҳаракати устидан шикоят қилинаётган давлат органлари ёки мансабдор шахсларнинг ўзига жўнатиш маън этилади. Фуқароларнинг шикоятларини ҳар тарафлама, муфассал ва холисона кўриб чиқиш учун қўшимча ахборотлар, маълумотномалар ва материалларга зарурат пайдо бўлса, мазкур мурожаатни кўриб чиқаётган давлат органининг мансабдор шахси қўшимча ахборот тўплаши мумкин. Шикоят юзасидан қарор қабул қилган давлат органининг мансабдор шахси, агар фуқаро қарорга рози бўлмаса, унга қабул қилинган қарор устидан шикоят бериш тартибини тушунтириши шарт.

Фуқаролар шикоят қилиш ҳуқуқидан фойдаланаётганларида қуйидаги тамойиллар етакчи ўринни эгаллайди.

1. Шикоят қилишнинг ихтиёрийлиги;
2. Шикоят қилиш ҳуқуқидан фойдаланаётганда камситилмаслиги;
3. Шикоятларни қабул қилиш ва кўриб чиқишнинг мажбурийлиги;
4. Шикоят қилувчининг таъқиб қилинмаслиги;
5. Шикоят қилувчининг бошқа сирларини ошкор этилмаслиги;
6. Шикоятга тааллуқли бўлмаган маълумотларнинг суриштириб билишига йўл қўйилмаслиги.

Ҳар бир фуқаро Конституция ва қонунларда белгиланган ҳуқуқларидан фойдаланар экан, албатта бурчларини ҳам бажаришлари шарт. Шикоят қилиш фуқароларнинг Конституциявий ҳуқуқлари бўлиб қолмай, балки бу ҳуқуқдан фойдаланиш фойдаланувчининг зиммасига муайян мажбуриятларни ҳам юклайди. Шунингдек, унда кўрсатилган маълумот аниқ, тўғри ва реал воқеликка асосланиши лозим. Акс ҳолда, шикоят қилаётган шахс қонунларга мувофиқ жавобгарликка тортилиши мумкин.

***Фиждувон туман прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бўлими ходимлари тезкор маълумотлар асосида Фиждувон шаҳри, Нодирабегим кўчасида яшовчи Соро Бозорованинг уйини кўздан кечиришганида гумонлар тўғри бўлиб чиқди. Бу ерда 177 литр этил спирти, 26 минг дона металл қопқоқ, ёпиш мосламаси, жами 1 миллион 615 минг сўмлик товар борлиги аниқланди ва ашёвий далил сифатида мусодара қилинди. Мазкур ҳолат юзасидан С.Бозоровага нисбатан жиноий иш қўзғатилди.***

# ЯШИРИН ЦЕХ ФОШ ЭТИЛДИ

Хомашёни етказиб берувчилардан тортиб, уни қайта ишлаш, қалбаки акциз маркалар тайёрлаш цехлари ва ноқонуний ишлаб чиқарилган маҳсулотни реализация қилувчилар билан боғлиқ бутун бир гуруҳнинг фаолиятига чек қўйилди. Бу ягона ҳолат эмас. Вилоят прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бошқармаси ҳамда унинг ҳудудий бўлимлари ходимларининг ҳушёрлиги билан ўтган йили спиртли ичимликлар ишлаб чиқарадиган 10 та ноқонуний яширин цех фош этилиб, 13,6 миллион сўмликдан зиёд товарлар ашёвий далил сифатида олиб қўйилди.

- 2005 йилда жиноий ва маъмурий ишлар бўйича жарималар билан бирга жами ҳисобланган солиқ ва тўловлар суммаси 4 миллиард 126 миллион сўмни ташкил қилди. Ҳозиргача уларнинг 2 миллиард 126 миллион сўми ундирилди, -дейди вилоят прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бошқармаси ахборот-таҳлилий таъминлаш бўлимининг бошлиғи Жаббор Қобилов. - Бундан ташқари 19 та ҳолатда валютага оид ҳуқуқбузарликлар, жумладан тижорат банклари томонидан 1 миллион 237 минг 398 АҚШ доллари миқдоридаги нақд валюта маблағларининг ноқонуний сотилиши аниқланиб, катта миқдорда молиявий жарима қўлланилди.

Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини қисқартириш долзарб масала бўлиб турибди. Бу борада ҳам бошқарма ва унинг ҳудудий бўлимлари ходимлари астойдил ҳаракат қилмоқда. Масалан, бултур тезкор ва самарали тадбирлар натижасида 28,3 миллиард сўмлик ноқонуний товар- пул айланмаси, жумладан 16,6 миллиард сўмлик ноқонуний пул айланмаси аниқланди. Айбдорларга 2,4 миллиард сўмлик молиявий жарима солинди.

Бошқарма ходимлари қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг самарадорлигини таъминлашда муҳим омил ҳисобланган моддий- молиявий ресурслардан ноқонуний фойдаланиш ҳолатларига чек қўйишга алоҳида эътибор қаратяпти.

Шунингдек, солиқ ва валютага оид қонун бузилишлари олдини олиш бўйича турли субъектлар, тадбиркорлар ўртасида кенг тарғибот ишлари олиб борилмоқда.

**(ЎзА)**

## Фармон ва ижро

***Фарғона вилоятида ўтган йили 2 минг 880 нафардан зиёд киши касаначилик асосида иш билан таъминланди. Йигирмадан зиёд кичик бизнес субъекти касаначилар билан буюртма шартномалари асосида халқ истеъмоли маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва аҳолига хизмат кўрсатишни йўлга қўйди.***

Президентимизнинг касаначиликни ривожлантириш чора- тадбирлари тўғрисидаги фармони эса бу борадаги ишларнинг кўламини янада кенгайтирди. Касаначилик билан шуғулланаётганларнинг қонуний асосда ижтимоий муҳофазаси учун имконият яратилди.

# КАСАНАЧИЛАР КЎПАЙМОҚДА

Касаначилар шу пайтгача фақат кичик корхоналар билан шартнома асосида меҳнат қилган бўлса, энди йирик саноат корхоналари билан ҳам ҳамкорлик қилиш имконига эга бўлди. Бу ҳар иккала томон учун ҳам манфаат келтиради.

Жойларда ушбу фармоннинг мазмун моҳиятини тушунтиришга бағишланган анжуманлар бўлиб ўтмоқда. Қўқон шаҳрида ўтган семинарда шаҳар ҳамда атроф туманларда фаолият кўрсатаётган йирик саноат корхоналари раҳбарлари, касаначилик билан шуғулланиш истагида бўлган кишилар иштирок этди.

Семинарда Қўқон шаҳрида фаолият юритаётган «Улуғбек» ҳиссадорлик жамияти, «Озод», «Шоҳи атлас», «Либос-текс» каби йирик саноат корхоналари меҳнат шартномалари асосида 300 нафар касаначини ишга олгани қайд этилди. Семинарда сўзга чиққан мутахассислар йиғилганларга мазкур ҳужжатнинг моҳияти ва унда белгиланган вазифалар тўғрисида батафсил маълумот берди.

Касаначиликни ривожлантириш орқали бу йил вилоятда 10 минг 470 та иш ўрни яратиш кўзда тутилмоқда.

## Касаба уюшма аралашуви билан

# ТОВОН ПУЛЛАРИ ундириб берилди

***Қонун талабига қатъий риоя этиш зарурлиги ҳақида қанчалик уқтирилмасин, ҳали ҳам тўрачилик қайфиятидан қутила олмаган раҳбарлар бор. Натижада ходимлар меҳнат ҳуқуқларининг поймол этилиши ҳоллари учраб турибди. Бунинг сабабларидан бири иш берувчи ўзининг ваколатини чегарасиз, деб билиши бўлса, иккинчиси, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодекси талабларини, жамоа шартномасида (тармоқ келишувида) белгиланган мажбуриятларни тан олмаслигидир. Бундан ташқари аксарият ҳолларда иш берувчи ва ходим ўртасида тузиладиган меҳнат шартномаси қонун ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартдаги 133-қарори талаблари даражасида мукаммал расмийлаштирилмайди.***

Иш берувчининг ноқонуний ҳаракатларига баъзида ходимнинг эътиборсизлиги ҳам сабаб бўлади. Текширишлар чоғида биз дуч келган баъзи ҳолатлар шундан далолат бермоқда. Айтайлик, ишга кираётган чоғида ходим меҳнат шартномаси ва буйруқ мазмунига мутлақо қизиқмайди. Бошқа ишга ўтказилаётганда ҳам шундай бўлади. Иш берувчи кескин чора қўллагандан сўнг баҳсли ҳолатлар вужудга келади.

Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Самарқанд вилоят кенгашига кейинги икки йилда меҳнат ҳуқуқлари бузилганлигига оид 200 га яқин аризалар тушди. Уларнинг бир қисмига ҳуқуқий маслаҳат берилди. Бир қисми бўйича иш берувчиларга қонун талаби тушунтирилгач, масала ечим топди. Иш берувчи ўз хатоларини, ғайриқонуний ҳаракатини тан олмаган ҳолатларда жиддий текширув ўтказилиб, зарурат туғилганда, ходимларнинг меҳнат ҳуқуқи суд орқали тикланди. Жумладан, Самарқанд шаҳар мева-консерва корхонаси ишчиси Маҳбуба Маллаева, ғаллачилик илмий тадқиқот институти Каттақўрғон бўлими ходимлари ака-ука Асқар ва Анвар Алимовлар, Қўшрабод қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси Д.Тоғаев, Самарқанд чой қадоқлаш фабрикаси ишчилари М.Аҳророва, О.Козимова каби жами 65 ходимнинг меҳнат ҳуқуқлари касаба уюшмаларининг аралашуви билан суд идораларида адолатли якун топди. Уларга 4 миллион сўмга яқин (жами) тўланмай қолган иш ҳақлари ва товон пуллари ундириб берилди.

Жамиятда мутлақо янгича муносабатлар қарор топиб борар экан, фуқаролар, меҳнаткашлар ўз ҳуқуқлари ва бурчларини пухта билишлари талаб этилади. Ана шунда баҳсли ҳолатларга ўрин қолмайди. Бу гап иш берувчиларга ҳам тааллуқлидир. Жойларда қонунийликни мустаҳкамлашга кўмаклашиш мақсадида вилоят кенгаши иш берувчилар ва уларнинг вакиллари, меҳнаткашлар иштирокида семинар-ўқувлар, давра суҳбатлари ўтказмоқда. Кўчма қабуллар ташкил этилаяпти. Корхона ва хўжаликларга меҳнат муносабатларини бошқариш бўйича тавсиялар, амалий ёрдам кўрсатилаётир. Мулк шакли ўзгариб, тармоқда акционерлик жамиятлари вужудга келган, кўплаб фермер хўжаликлари ташкил этилаётган ҳозирги даврда бу ниҳоятда муҳимдир. Негаки, баҳсли ҳолатларга ечим топиш жараёни ишлаб чиқаришга, иқтисодий тараққиётга таъсир қилади. Бунинг олдини олишга интилиш ижтимоий осудалик ва фаровонлик омилидир.

**Т.АМИРОВ,**
**АСМ ходимлари касаба уюшмаси Самарқанд вилоят кенгаши ҳуқуқшуноси**

# ШИФО МАСКАНИ

Янгийўл туманида бугунги кунда тўртта шифохона, еттита поликлиника, ўнта тез тиббий ёрдам бўлими ҳамда ўндан ортиқ қишлоқ врачлик пункти фаолият кўрсатмоқда.

Соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар самараси ўлароқ, чекка қишлоқларда ҳам замонавий қишлоқ врачлик пунктлари барпо этилмоқда. Яқинда тумандаги Алишер Навоий номидаги ширкат хўжалиги ҳудудида янги қишлоқ врачлик пункти фойдаланишга топширилди.

Уч ярим минг аҳолига хизмат кўрсатадиган мазкур шифо маскани ўндан ортиқ муолажа хоналарига эга. Умумий амалиёт врачи, педиатр, акушер-гинеколог каби мутахассислар, оналар ва болалар бўлими, физиотерапея, дорихона ва кундузги стационар аҳолига хизмат кўрсатмоқда.

Айни пайтда юртимизда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш, тиббий хизмат маданиятини юксалтириш борасида хайрли ишлар амалга оширилмоқда.

Айниқса, тез тиббий ёрдам хизматининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, унинг туман бўлимларини ихтисослаштирилган автотранспорт, замонавий алоқа воситалари, тиббий ускуналар, зарур дори-дармонлар билан етарли миқдорда таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётир. Бу эса ўз навбатида аҳолига биринчи шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш тезкорлиги ва сифатини ошириш имконини бермоқда.

Яқинда Чироқчи тумани марказий шифохонаси жамоасига Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан янги "ДАМАС" русумли тез ёрдам машинаси тақдим этилди.

***Суратда: бош шифокор муовини Абдумажид Ҳасанов шифокор Жўрақул Юсупов ҳамда тез ёрдам машинаси ҳайдовчиси Норбўта Норбўтаевга чақирувга чиқиш олдидан кўрсатма бераётган пайти.***

**А.ХУДОЁРОВ олган сурат**

## Нафсим менинг балодир...

***Айтишларича, бир қиз ариқда оқиб келаётган қипқизил олмани тутиб олиб, тишлаган. Кейин олма ўзганинг мулки эканлиги эсига тушиб, ариқ ёқалаб уни излаб кетаверган. Ариқ бир бойнинг боғига бориб тақалган. Қиз унга воқеани гапириб бериб, бир дона олманинг пулини узатади. Қизнинг одобу аҳлоқи хуш ёқиб, бой уни келин қилган экан.***

# ЎЗГАНИНГ ҲАҚИ БУЮРМАЙДИ

Ўзганинг ҳақи буюрмайди, дейди доно халқимиз. Бунга мисоллар ғоят кўп. Яқинда жиноят ишлари бўйича Хазорасп туман суди Питнак шаҳар почта алоқа тармоғига қарашли «Шейхлар» алоқа бўлимининг бошлиғи бўлиб ишлаган Зариф Исмоиловнинг жиноят ишини кўриб чиқди.

Азалдан пул деса томдан ташлайдиган Зариф маълумоти етарли бўлмаса-да қандайдир йўллар билан «Шейхлар» алоқа бўлимига бошлиқ бўлиб олгач, босар-тусарини билмай қолди. Чунки бўлим томонидан рўзнома ва журналлардан ташқари 600 пўлат сандиққа жойлаб, бир ҳафтагача тарқатмасдан қўярди. Ноқонуний ҳаракатини тўхтатиш эса хаёлига ҳам келмасди. 2005 йил бошидан Питнак шаҳар алоқа бўлимидан дан зиёд кишига пенсия ва нафақа пуллари тарқатиларди-да!

Асли нафси бузуқ эмасми, у бу пуллардан қандай фойдаланиш мумкинлиги ҳақида ўйлай бошлади-да. Дастлаб, пенсионерларга бериладиган пулларни кечиктириб, сохта тадбиркорларга маълум вақтга бериб, фоизи билан қайтариб олиб юрди. У баъзида почта бўлимига келган пулларни 495 нафар пенсионерга тарқатиш учун келган пулларни сохта ҳужжатлаштириш йўли билан ўмара бошлади. Ўзлаштирилган пуллар 4 ой ичида салкам 7 миллион сўмга етди. Унинг бу ҳаракатига вақтида барҳам берилди. У суд ҳукми билан қамоқ жазосига ҳукм қилинди.

**Э.ЭРМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

## Излаган имкон топар

***Акциядорлик тижорат «Ғаллабанк»нинг Сирдарё вилоят минтақавий филиали томонидан бугунги кунда 6503 та мижозга хизмат кўрсатилмоқда. Бўш пул маблағларини банкка жалб этганларнинг 4785 нафари жисмоний шахслар бўлса, колгани юридик шахслар ва тадбиркорларни ташкил этади. Мижозларга сифатли ва кафолатли банк хизмати кўрсатилаётганлиги боис, йилдан-йилга уларнинг сони ортиб бормоқда. Масалан, ўтган йилга нисбатан мижозлар сони 3613 тага кўпайган. Вазирлар Маҳкамасининг 2005-2007 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорини амалга ошириш бўйича ҳам талайгина ишлар амалга оширилди.***

# ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТ

## ҳар икки томон учун фойдали

Хусусан, фермерларга аниқ ва амалий ёрдам берилиб, уларнинг оғирини енгиллаштиришга эришилаётир. Филиал томонидан ўтган йилда туманларда 4 та минибанк ва жамғарма кассалари фаолияти йўлга қўйилди. Уларда мижозларга кенг тармоқли хизмат кўрсатиб келинмоқда.

Айни пайтда мавжуд минибанкларда аҳолидан коммунал тўловларни қабул қилиш бўйича махсус кассаларни ташкил этиш учун саъй-ҳаракат олиб борилаяпти. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига мувофиқ филиалда қишлоқ хўжалиги вакиллари учун зарур қулайлик яратиш мақсадида алоҳида бўлим ташкил этилди. Мазкур бўлим томонидан фермер хўжаликларига барча турдаги банк хизматлари, давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари — пахта ва ғалла етиштириш ҳаражатларини молиялаштириш юзасидан шунингдек, маслаҳат ва консалтинг хизматлари кўрсатиб келинмоқда. Бултур ҳосил етиштириш учун деҳқонларга имтиёзли кредитлар вақтида берилганлиги туфайли кўзланган мақсадларга эришилди. Филиал томонидан пахта ҳосили учун жами 1219 миллион сўм, ғалла учун эса 56 миллион сўм миқдорида имтиёзли қарз ажратилди.

Умуман олганда ўтган йили 1999,4 миллион сўм кредит берилган бўлиб, шундан 68,6 миллион сўм саноатга, 220,3 миллион сўми эса айланма маблағларни тўлдиришга, 1481,6 миллион сўми қишлоқ хўжалиги соҳасига ва 228,9 миллион сўми бошқа тармоқларга тўғри келди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш мақсадида 1230,9 миллион сўм миқдорида қарз берилди. Шунингдек, янги иш ўринларини ташкил этиш борасида ҳам ибратли ишлар амалга оширилиб, 324,4 миллион сўм кредит ажратилди. Масалан, Гулистон шаҳрида жойлашган «Рупторр мебелсервис» ёғочни қайта ишлаб, маҳсулот тайёрлашга ихтисослаштирилган хусусий корхонасига 8 миллион сўм миқдорида 8 фоизли имтиёзли кредит берилди. Шу туфайли бу ерда 15 та янги иш ўрни яратилди.

Вазирлар Маҳкамасининг «Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан ҳам кўплаб ишлар қилинаяпти. Ўтган йилнинг 11 ойида мижозларга жами бўлиб, 3185 та пластик карточка тарқатилди. Уларнинг аксариятини «Оқолтиндон», «Ховосдон», шаҳар халқ таълими, ёқилғи қуйиш шохобчалари, вилоят шифохонаси ва 100 дан ортиқ фермер хўжаликлари ташкил этади. Пластик карточкадан фойдаланишда ортиқча муаммоларга йўл қўйилмаслик мақсадида 21 та терминал ўрнатилди. Улар асосан шаҳарнинг кўплаб савдо нуқталари, автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчаларига, тумандаги мини банкларга жойлаштирилди.

**И.ОМОНОВ,**
**Акционерлик тижорат «Ғаллабанк»нинг Сирдарё вилоят бошқаруви раиси ўринбосари**

# КЎКЛАМ ТАШВИШИДА

«Жиззахтаъмир» масъулияти чекланган жамияти фермерларнинг қишлоқ хўжалик техника воситаларини таъмирлайдиган ягона йирик корхона ҳисобланади. Бу ерда ўтган йили 47 миллион 780 минг сўмлик эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарилди. Таъмирлаш бўйича эса олдинги йилга нисбатан 7 миллион 100 минг сўмлик кўп иш бажарилди. Корхона давлат тасарруфидан чиқарилиб, масъулияти чекланган жамиятга айлантирилгач, ишлаб чиқариш ҳажми сезиларли даражада ошди.

Шу кунларда корхонада иш қизғин. Вилоятдаги қишлоқ хўжалик техникалари ва уларнинг қисмларини кўкламги дала ишларига тайёрлашда машина трактор парклари ва фермерларга кўмаклашаётган корхонада 44 та трактор, 154 та омоч, 44 дона чизил ва 34 номдаги бошқа эҳтиёт қисмлар таъмирдан чиқарилди.

**(ЎзА)**


## Сообщение о существенном факте ОАО «Узхимфарм» Решение общего собрания

**Порядковый номер сообщения – 09**

* Вид общего собрания – внеочередное

Форма проведения общего собрания – открытое

Дата проведения общего собрания – 25 января 2006 года

Место проведения общего собрания – город Ташкент, ул.Т.Шевченко, 23, административное здание ОАО «Узхимфарм»

* Кворум общего собрания – 476 660 шт. акций, что составляет 85,8%

* Вопросы, поставленные на голосование и итоги голосования по ним:

**1.Утвердить аудитора и предельный размер оплат его услуг:**

Голосовали: «за» – 100 %, против и воздержавшихся – нет

**2.Довыборы Наблюдательного совета:**

Голосовали: «за» – 100 %, против и воздержавшихся – нет

**Полные формулировки решений, принятых Общим собранием:**

**По первому вопросу**: утвердить аудитора общества фирму ОАО «TTT AUDIT» и предельный размер оплат ее услуг 1 000 000 сум.

**По второму вопросу:** утвердить кандидатов в состав Наблюдательного совета: Шакирова Салихбека Юлдашбековича, Дмитриеву Светлану Львовну.

Изменения в персональном составе должностных лиц

**Порядковый номер сообщения – 10**

Орган управления, в котором произошли изменения – Наблюдательный совет

* Фамилия, имя, отчество избранного и освобожденного должностных лиц в органе управления:

**Избран** – Шакиров Салихбек Юлдашбекович. Доля участия в уставном фонде – 0,08%

**Избран** – Дмитриева Светлана Львовна. Доля участия в уставном фонде – 0,007%

**Освобожден** – Астахова Елена Васильевна. Доля участия в уставном фонде – 0,02%

**Освобожден** – Субботина Элеонора Борисовна.

Доля участия в уставном фонде – 0,03%

* Уполномоченный орган, принявший решения – общее собрание

* Дата, в котором произошли изменения – 25 января 2006 года



**Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!**

**"Respublika ko'chmas mulk birjasi Toshkent shahar filiali"**

**Сизларни навбатдаги кимошди савдоларига таклиф қилади!**

*Навбатдаги кимошди савдоларини 2006 йил 4,7,9,11,14,16,18,21,23,25,28 февраль ва 2,4,7,9,11,14,16,18,23,25,28,30 март кунлари ўтказади.*

Кимошди савдоларига якка тартибда уй-жой қуриш учун мўлжалланган, мерос қилиб қолдириш ва умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи билан қуйидаги ер майдонлари қўйилган:

Тошкент шаҳар, Сирғали тумани, "Қурувчи" даҳасида жойлашган, сатҳи 0,02 га бўлган 13-сонли ер майдони. **Бошланғич нархи** 403 760 сўм.

Тошкент шаҳар, Сирғали тумани, "Қурувчи" мавзесида жойлашган, сатҳи 0,04 га бўлган 8-сонли ер майдони. **Бошланғич нархи** - 807 520 сўм.

Кимошди савдоларига қўйилган ер майдонларига эгалик қилиш ҳуқуқини қўлга киритиш учун аризалар қабул қилиш савдодан уч кун аввал тўхтатилади.

Кимошди савдолари соат 11-00 да бошланади.

Савдолар ўтказиладиган манзил:

**Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Бухоро кўчаси 10-уй.**

Савдоларда қатнашиш учун объект бошланғич баҳосидан 10 фоиз миқдорида закалат пули тўланади.

**Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Бухоро кўчаси, 10-уй, 3-қават, 35 ва 45 хона.**
**Телефонлар: 136-15-29, 144-44-72, 144-44-73, 136-28-75**

## Орамиздаги одамлар

# ГЎЗАЛЛИК аввал қалбга кўчади

***Бу мукаддас замин гуллаб-яшнаган боғу бўстонларни ғорат, шаҳару қалъаларни кунпаякун қилган не-не босқинчиларни, ҳар бир кўча, ҳар бир уй учун жон олиб-жон берган баҳодирлар, юртни ёвдан озод этиш учун от устида ухлаган Жалолиддин келбатлар жасоратига гувоҳ бўлмаган. Эҳ, агар унда тил бўлсайди, тарихнинг биз билмаган, ўқилмаган саҳифаларидан ажойиб-ғаройиб ҳикоялар сўзлаб берган бўлармиди.***

Бутун шаҳарни сув билан таъминлаётган, халқ орасида ўзининг шифобахшлиги билан танилгани учун сайёҳлар қадами узилмайдиган, сиғими, қишин-ёзин суви ҳарорати 18 даражадан паст бўлмайдиган, қорамтир балиқлари зиёратчилар ташлаган нон увоқлари атрофида ғужғон ўйнаган муқаддас «Чашма» ёнида туриб юқорида – тепалик устида ўшшайган қадим Нур қалъаси харобаларига ҳам ҳайрат, ҳам ўкинч билан тикилганингизда хаёлингиздан, шубҳасиз, шундай фикрлар кечади. Айтгандай, нима учун Нур қалъаси? Бу савол ҳам сизни сира-сира тарк этмаслиги табиий. Нуроталикларнинг айтишича, бу Оллоҳ нур ато этган замин дегани. Бу ерда Оллоҳ нури вақти-вақти билан юз кўрсатармиш. Дарвоқе, ўтган йил ёзида, мустақилликнинг 13 йиллиги арафасида эрта тонгда «Чашма» ёнидаги эски қудуқда кўкка камалаксимон нур таралиши воқе бўлганини телевизор орқали кўпчилик кўрган.

Шахло ана шу муқаддас заминда, афсоналар, эртаклар оламида туғилиб ўсди. Бир томони дашт, бир томони чўл билан туташган тоғ бағрида жойлашган шаҳар масжиду хонақолари кошинларидаги асрлар синовидан ўтган – ёз жазирамаси-ю, қиш бўрону довулларида ўчмаган сирли битиклар ақлини ўғирласа, Нурота атрофидаги даштда эрта баҳорда, кўм-кўк майсазорда оловдек ловуллаган лолақизғалдоқлар гулхани хотирасида бир умр муҳрланиб қолди. Табиатнинг бетакрор ранг-тасвири мафтунига айланди. У дашту далаларда шувоқнинг димоғни қитиқлайдиган ўткир ҳидини ҳис қилди.

Донишмандлардан бири талантлар катта шаҳарлардан олисда, табиат қўйнида туғилади, деганида тамомила ҳақ. Чунки, бу ерда она табиат сенга муаллимлик қилади. Бехосдан қўлингни тилган чақиртиканак азобини ҳам, илк баҳор элчиси бойчечакни кўриб қувонган, чучмома топган болаларнинг шодон қийқириғини ҳам шу ерда эшитасан. Нуроталиклар қадим-қадимдан омилкор, ихтирочи халқ. Ер остидан бир-бирига уланган кориз қудуқлар қазиб даштга сув чиқариб деҳқончилик қилган.

Шахло Самарқанд Давлат архитектура ва қурилиш институтида ўқиган, уни муҳандис-қурувчи ихтисоси бўйича тамомлаётганида ҳам бир орзу – кимлардир марказдан олисда деб билган, темирйўллар туташмаган қадрдон Нуротасига бориб ишлаш истаги сира-сира тарк этмади. Ахир, бу масканнинг Айдар бўйидаги «Қизилча», «Нурота» хўжаликларида ҳалол меҳнати билан эл олқишини олган донгдор чорвадорларининг курашларда бели қайишмаган ёш полвонлари учун мактаблар, спорт саройлари керак. Фарҳоддек тош йўниб мўъжизалар яратаётган ғозғонликлар, деҳибаландликлар учун соғлиқни сақлаш муассасалари қуришда қатнашишга не етсин.

Рости, Нурота туман 107-қурилиш ташкилотида дастлаб ишлаб чиқариш бўлими муҳандиси, кейин ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи бўлганида ҳам, бу ерда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари уни қониқтирмади. Тўғрироғи, қобилиятини, имкониятларини ишга солишга шароит яратилмади. «Шодия» кичик корхонаси ана шу орзу-ҳавас маҳсули сифатида юзага келди. «Ҳолва деган билан оғиз чучимайди», деганларидек корхона очилди дегани, ишлар жўнашиб кетди, дегани эмас. Қолаверса, ана сенга объект, қур, ярат дейдиган одамнинг ўзи йўқ. Танловларда талашиб-тортишиб имкониятларингни тарозига қўйиб иш оласан. Бу имтиҳондан ҳамма ҳам муваффақиятли ўтавермайди. Ҳал қилувчи лаҳзалар келганда Шахло ўзининг иродасини, ташкилотчилиги ва ташаббускорлигини, қурилиш ташкилотида ишлаганда каттагина тажриба орттирганини намоён қилди. Унинг қурувчилари бажарган ишлар ўзининг сифати, бежиримлиги ва кўркамлиги билан кўриниб қолди. Қарабсизки, Навоий вилоятидаги катта-катта қурилиш объектларида ишлаш ҳуқуқи қўлга киритилди. Агар «Шодия» кичик корхонаси Навоий вилоят молия бошқармаси маъмурий биноси, Қизилтепадаги Реватун қишлоғидаги 600 ўринли коллеж, Навоий шаҳридаги 450 ўринли тиббиёт коллежи қурилишларида ёрдамчи-пудратчи сифатида иштирок этган бўлса, Нурота туманидаги қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежини тубдан қайта таъмирлашда, Қизилча ва Темирқовуқ қишлоқларидаги спорт мажмуалари, 22-,32-мактаблар, Сентопдаги янги ҚВП қурилиши ва таъмирлаш ишларида бош пудратчи бўлди.

Нуротада ҳеч бўлганмисиз? Навоий шаҳри билан боғловчи йўлдан шаҳарга кираверишингиз билан кўз олдингизда меъморчиликнинг гўзал намунаси, мармар лавҳаларда меъморлару қурувчилар маҳорати акс этган – учадиган қушдек муҳташам бино гавдаланади. Хатирчи, Конимех, Навбаҳор туманларида кичик корхона қурувчилари томонидан қурилган иншоотлар санъат асари даражасига кўтарилган.

– Мустақиллик олис Нурота шаҳар ва қишлоқларида ҳам яшаш ва яратиш даврини бошлаб берди, – дейди Шахло Мерганова. – Шаҳар қиёфаси тубдан ўзгаргани – кўплаб маданий-маиший, спорт мажмуалари қурилиши, «Чашма» атрофи тубдан қайта реконструкция қилиниши, бу ерда зиёратчилар учун овқатланиш, дам олиш жойлари бунёд этилиши бунинг исботи эмасми?!

Меҳнатдан келса бойлик, турмуш бўлар чиройлик деганларича бор. Бажарилган иш сифати ва самарадорлиги корхона олаётган фойданинг ошишига, бу эса ўз навбатида ишловчиларнинг моддий манфаатдорлиги яхшиланишига хизмат қилмоқда. Шунингдек, шаҳардаги, атроф-маҳаллалардаги кам даромадли оилалар ва бошқа хайрли, савобли ишлар ҳам эътибордан четда қолмаётир. Шаҳардаги маҳалла биноларини таъмирлаш ва уларга газ тармоғи тортишга моддий ёрдам кўрсатилди. Шахло ва унинг жамоаси бу эзгу ва хайрли ишларни олқиш олиш ёки мукофот илинжида эмас, балки қалб даъвати билан амалга оширмоқда. Улар ўзлари қураётган бинолардан одамлар гўзаллик, назокату нафосат топишини истайди, шу холос. Зеро, гўзаллик аввал қалбда бўлганига, сўнг зоҳирга кўчганига не етсин.

**Ялғош САРИЕВ,**
**Соҳиба АЪЗАМОВА,**
**«Ишонч» мухбирлари**

## Ўзбекистон – Ватаним маним!

# САПИЛТОШДАГИ ҚУЁШ ТАНДИРИ

***Қашқадарёда олис ўтмишдан қолган қоятош расмлари ва ёзувлари мавжуд юздан ортиқ тарихий жойлар бор. Даставвал бундай битиклардан иқтидорли ижодкор Халол Яхшибоевнинг олис мозий мўъжизаларига бағишланган шеърлари орқали воқиф бўлган эдим.***

Кўҳна давр тарихи ва санъати намуналарини ўрганишга Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти доценти, тарих фанлари номзоди Акром Жуманов муносиб ҳисса қўшган. Олим вафотидан сўнг унинг қизи 25-мактабнинг тарих фани ўқитувчиси Нигора Жуманова отаси бошлаган илмий изланишларни давом эттирмоқда.

Зарафшон тизмалари таркибига кирувчи Қоратепа тоғи ҳудудида жойлашган Лангар-Конизор ғори, Сийпантош, Турк қўрғони, Говхонадаги Сапилтош, Шаҳартепа сингари ибтидоий даврга доир маданий даврнинг санъатига оид янги ёдгорлик" деб номланган мақоласида бу ҳақда батафсил маълумотлар берилган.

Сийпантошдаги тошлар юзасига силлиқ, текис рамзий белгилар туширилган бўлиб, расмлар турли рангларда чизилган. Улар оддий нақшлар эмас, балки қуёш рамзи хоч, доира, ром тарзида акс эттирилган. Шаклар ой тақвимини эслатади. Доира марказида ёввойи сигир ёки ҳўкиз тасвири бор.

Қадимшуносларнинг таъкидлашича, Сийпантош ғори палеолит давридаги энг қадимги ёдгорликлардан ҳисобланади. Ғордан 550 метр юқоридаги қоятошда камон тутган, ёнида ити бор отлиқ киши эчкиларни овлаётгани, иккинчисида турли ҳайвонлар расми тасвирланган.

Говхона қишлоғидаги Сапилтош қоясида 26 та расм бўлиб, улар милоддан аввалги 1-2 минг йилларга тўғри келади. Тошқўрғоннинг энг юксак чўққисидан фил кўринишидаги 20-30 тонналик улкан тош жой олган. Қоя ёнида ажойиб ёдгорлик қуёш тандири бор. Кексаларнинг айтишларига қараганда, аждодларимиз қуёш нури тафтида ясқоқ тош устида нон пиширганлар. Тандирда 26 та нон ва битта кулча ёпилган. Ана шунинг ўзи авлодларимиз ўша даврларда ҳам қуёш энергиясидан оқилона фойдаланганликарини кўрсатиб турибди.

Умуман олганда, Сийпантош ғори ва Сапилтошдаги қадимий санъат ёдгорликлари чуқур тадқиқ этилса, қоятош расмлари ва ёзувлари археология фани саҳифаларини бойитиши шубҳасиз.

**И.НИШОНОВ**

## Болалар спорти

# ИМКОНИЯТЛАР ЕТАРЛИ – натижа ҳам шунга яраша



Президентимизнинг "Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида"ги Фармонидан кейин мамлакатимизда болалар спортига эътибор тубдан ўзгарди.

Умумий ўрта таълим тизимини тубдан яхшилаш, ўқув-моддий базаси ва таълим стандартларини замон талаблари даражасида шакллантириш, умумтаълим мактаблари спорт базасини мустаҳкамлаш ҳамда керакли анжомлар билан тўлиқ таъминлашга катта аҳамият қаратилмоқда. Уч босқичли спорт тадбирларининг дастлабкиси бўлмиш "Умид ниҳоллари" мусобақаларида мамлакатнинг барча мактаб ўқувчилари ўз маҳоратларини синовдан ўтказиш имкониятига эга бўлмоқдалар.

Қизилтепа туманида 38 та мактаб, 3 та лицей интернат мавжуд бўлиб, уларнинг барчаси янги ўқув йилида таъмирланди. Шулардан 18, 26, 29, 1-мактаблар капитал қолган барча таълим муассасалари жорий таъмирдан чиқарилди. Туманимиздаги 31-сонли умумий ўрта таълим мактабида янги замонавий спорт зал, волейбол, баскетбол, футбол майдонлари қурилиб ўқувчилар ихтиёрига топширилди. Умумий ўрта таълим мактабларида жами 155 нафар жисмоний тарбия фани ўқитувчилари ёшларга таълим-тарбия бериб келмоқдалар.

Дарсдан ташқари спорт билан мунтазам шуғулланувчи ўқувчилар 47,3 фоизни ташкил этади. Шунингдек, 7-сон Болалар ва ўсмирлар спорт мактабида волейбол, футбол, ўзбек миллий кураши бўлимлари мавжуд бўлиб, уларда 31 нафар мураббий 1200 нафар ўқувчи билан жадвал асосида машғулот олиб бормоқда.

Имкониятга қараб натижа, деганлари рост экан. Вилоятда ўтказилган "Умид ниҳоллари" мусобақаларида спорт мактаби ўсмирлар жамоаси биринчи ўринга кўтарилган бўлса, қизлар жамоаси иккинчи ўринни эгаллади.

Жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишни замон талаби даражасига кўтариш учун спорт заллари ва майдонларини жиҳозлаш муҳим аҳамиятга эга. Умумий ўрта таълим мактабларида ўсиб келаётган ёш авлод онгида жисмоний ва маънавий саломатлик тушунчаларини мустаҳкамлаш, спорт билан шуғулланишни кундалик ҳаётий эҳтиёжга айлантириш, соғлом турмуш тарзига амал қилиш кўникмасини шакллантиришга жиддий қаралмоқда.

Ўқувчиларнинг жисмоний саломатлиги даражасини аниқлашда таълим муассасаларида "Алпомиш ва Барчиной" махсус тест синовларидан кенг равишда фойдаланиш ҳамда ўқув йили давомида ўтказилаётган "Умид ниҳоллари" ва бошқа спорт мусобақаларида фаол қатнишишларини таъминлаш назарда тутилади.

Қизларни кенг кўламда спортга жалб қилиш масаласига ҳам туманда оғишмай амал қилинмоқда. Хусусан, 1, 5, 10, 26-мактабларда бадиий гимнастика тўгараги ташкил қилинди. Ўзбек қизларининг нафосат ва гўзаллик рамзи саналмиш бу спорт тури билан шуғулланиши учун ҳомийлар томонидан 750 минг сўмлик спорт жиҳозлари олиб берилди.

**О.ШОЙИМОВ,**
**Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Қизилтепа туман вакили**

***Улуғ Алишер Навоийнинг "Садди Искандарий" достонида шоирнинг энг эзгу ва олижаноб ниятлари олға сурилган. Асарда ёзилишича, Чин ҳоқони Искандарга жуда кўп тухфалар тортиқ қилади.***

***Чин кўзгуси билан Чин гўзали, шубҳасиз бу совғалар ичида энг ажойиби бўлган. Кўзгу гўё бир ҳакам, холис киши вазифасини адо этиб, "арздод" билан келган кишининг сўзи нечоғлиқ ҳақ эканлигини исботлаб берган.***

# БУЮК ШОИР ДАҲОСИ

Агар шикоятчининг сўзи рост бўлса, кўзгуда унинг юзи асли ҳолида, агар ёлғон бўлса, юзи қора бўлиб кўринар экан. Навоий тасвиридаги ҳалқ фантазияси бизнинг замонамизга қанчалик яқин эканини ҳис қилиш қийин эмас.

Чин кўзгуси ҳақидаги афсонада телевидениягa доир романтик орзу ўз ифодасини топди. Искандар кўзгудан ўзича фойдаланмай, балки саройда ундан ҳам мукаммалроқ тилсим яратишга аҳд этади. Навоийнинг астролобия вужудга келтириш масалаларида баҳс қилиши ҳам тасодифий ҳол эмас.

Искандарнинг аниқ фанларни ривожлантириш соҳасидаги ишлари билан танишар эканмиз, беихтиёр Улуғбекнинг аниқ фанлар, жумладан астрономияга оид ишларини эслаймиз.

Искандар ташаббуси билан қурилган ойнаи жаҳоннома ўз вазифасига кўра, бутун дунё телевидениесини вужудга келтириш масаласини кўп жиҳатдан эслатади.

* * *

Алишер Навоий ижодида илмий фантастика аломатлари кўзга ташланади. Шу ўринда "Саббаи Сайёр" достонида тасвирланган иккинчи сайёҳ ҳикоясидаги мана бу воқеани келтириб ўтиш мумкин.

Заргарлик ишининг устаси Зайд Рум мамлакатида подшоҳга атаб мисли кўрилмаган, истаган тарафга юрадиган саккиз ғилдиракли тахт ясаган.

Унинг саккизта зинаси бўлиб, киши биринчи зинапояга чиқса, унинг ўзи кишини юқори кўтаради.

Кўриниб турибдики, улуғ шоир тасвирлаган тахт ҳозирги автомобил ва эксковатор тузилишига жуда ўхшаб кетади.

**Акбар АЛИЕВ**

# ЁШ АСКАРЛАР ҚАСАМЁДИ

***Шимоли-ғарбий харбий округнинг Нукус гарнизонида сафарбарлик чақируви резерви хизматига жалб этилган аскарларнинг касамёд қилиш маросими бўлиб ўтди.***

*Унда сўзга чиққанлар Ватан олдидаги йигитлик бурчини ўташга киришган аскарларни, уларнинг ота-оналарини қизғин табриклаб, ёш аскарларга ҳарбий хизматни аъло даражада ўташда матонат, куч ва ғайрат тиладилар.*

*Ўз навбатида ҳарбий хизматга чақирилган ёшлар Ватанга, халққа садоқат билан хизмат қилиш, юртни ҳимоя этишдек шарафли ва муқаддас вазифани виждонан бажариш ҳақида тантанали қасамёд қилди.*

*Маросим аскар ва зобитларнинг оркестр садолари остидаги ҳарбий паради билан якунланди.*

**(ЎзА)**

## Соғлиғингиз ўз қўлингизда

# БОТУЛИЗМДАН САҚЛАНИНГ

***Киш мавсуми кишилар томонидан дудланган гўшт, мева ва сабзавот консерваларини кўпроқ истеъмол қилинадиган давр ҳисобланади. Бу жараёнда баъзи гигиеник талабларга риоя этмаслик озиқ-овқат маҳсулотларидан заҳарланиши касалликлар ичида энг оғир турларидан бўлган ботулизм билан хасталанишни келтириб чиқаради.***

Айниқса, кейинги пайтларда уй шароитида маринадланган бодринг, помидор, қалампир, қўзиқорин консервалари, бақлажон икраси, дудланган балиқ каби маҳсулотларни ейиш орқали кишиларнинг ботулизм билан оғриши кўпроқ кузатиляпти.

Хўш, бу касалликнинг ўзи нима? Ботулизм хасталиги келиб чиқишининг асосий сабабчиси Clostridium Botulinum таёқчалари вегитатив шакли чиқарадиган оқсилдан иборат нейротоксиндир. Ботулизм таёқчаси анаэроб микроблари – кислородсиз шароитда ўсадиган микроблар оиласига мансуб. Бу микроблар спора ҳосил қилиш хусусиятига эга бўлганлиги учун ташқи муҳит таъсирига жуда чидамли ҳисобланиб, қайнатганда ҳам ўлмайди. Улар 120 даражали ҳароратда 30 дақиқада, спораси 20 фоизли формалин зарарсизлантирувчи моддаси таъсирида 24 соат давомида жонсизланиши мумкин. Шу боис бу микроб токсини меъда ва ичак ширасиси таъсирида ўз кучини йўқотмайди ва у қонга сўрилиб, организмни заҳарлайди. Ботулизм бактерияси ташқи муҳитда узоқ йилларгача сақланади.

Касалликнинг клиник белгилари тўсатдан бошланиб, ҳолсизланиш, бош оғриғи, оғиз қуриши кўринишида намоён бўлади. Баъзан кўнгил айниши, қайт қилиш, бош айланиши ва ич кетиши кузатилади. Тўш суяги ортида оғриқ, кекириш, қоринда оғриқ ва дамланиш ҳоллари учраб туради. Қайт қилиш ва ич кетиши қисқа даврда кузатилиб, неврологик белгилар бошлангандан сўнг одатда йўқолади. Қабзият юзага келади. Меъдада озуқа моддаси эвакуациясининг секинлашуви, ҳатто тўхташи мумкин. Кўз олдида туман, парда пайдо бўлиши, битта буюм иккита бўлиб кўриниши, кўз соққасининг ҳаракати чекланиши, қорачиқлар кенгайиши, қовоқларнинг икки томонлама қисилиши, ютинишнинг қийинлашуви ёки умуман амалга ошмай қолиши каби неврологик белгилар кўзга ташланади. Шунингдек, овоз ўзгариб пасая боради ва тиниқлиги йўқолади. Оғир аҳволда эса беморнинг гапига тушуниб бўлмайди. Беморда касаллик аломатлари намоён бўла бошлаган заҳоти уни зудлик билан энг яқин тиббий муассасага элтиш керак. Ўз вақтида кўрсатилган малакали тиббий ёрдамгина хасталикдантезда фориғ бўлишга имкон яратади.

Ботулизм билан хасталанишнинг олдини олишда эҳтиёткорлик, озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилишда эътиборлилик талаб этилади. Бунинг учун бозорларда ва аҳоли гавжум жойларда фуқаролар томонидан сотилаётган номаълум шароитда тайёрланган, сифати кафолатланмаган дудланган гўшт ва балиқ ҳамда мева-сабзавот консервалари каби маҳсулотларни сотиб олмаслик лозим. Озиқ-овқат дўконларидан ушбу егуликларни харид қилишдан олдин уларнинг гигиеник ҳамда мувофиқлик сертификатларига эгалиги тўғрисидаги маълумотларга кўз ташлаш шарт. Сақланиш муддати ўтган, қопқоғи шишган, деформацияланган консерва маҳсулотлари истеъмолга яроқсиз ҳисобланади.

**У.ИРГАШЕВ,**
**Яккасарой туман Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази бўлим мудири**

## Турфа олам

### УЛКАН КЕМАЛАР

Қадим замон одамлари ҳам жуда улкан кемалар ясай олганлари ҳозирги кишиларни ҳайратга солади. Эрадан аввал Мисрда ясалган бир кеманинг моделини XIX аср бошларида ясашган.

Кеманинг узунлиги 93 метр бўлган экан. Унинг 1500 нафар қўл кучи билан ҳаракатланган 200 та эшкаки бўлган. Кеманинг айланмаси 24 мудофаа минораси мустаҳкам девор билан ўралган. Кема уч минг жангчи томонидан қўриқланган.

Бундай улкан кема ҳар бирининг узунлиги 15 метрга борган тўртта эшкак-рул ёрдамида бошқарилган.

Кема ичидаги хоналар ўзининг нафис безаклари билан худди шоҳ саройини эслатган. Устунлари сарвдан, эшиклари қимматбаҳо ёғочларидан ясалиб, сиртига фил суягидан нақшлар туширилган. Хоналарига мармар ҳайкаллар ўрнатилган эди.

### САЁҲАТЧИ БАЛИҚ

Инглиз балиқчилари Жанубий Шотландиянинг Твид дарёсидан ёрлиқчали катта балиқ тутиб олишди. Ёрлиқчада 1966 йилнинг 14 октябрида балиқчилар бу балиқни Гренландия қирғоқлари яқинида тутиб, яна қўйиб юборганликлари ёзилган эди.

Олимлар "сайёҳ" балиқнинг 5,5 ой ичида 14 минг 840 километр масофани босиб ўтганлигини ҳисоблаб чиқишди.

Қизиғи шундаки, оғирлиги 3 килограммдан зиёдроқ, узунлиги эса 70 сантиметр бўлган бу балиқ Гренландия соҳилларидан бу ерга етиб келгунча 5 сантиметрга ўсибди.

### ЛОЙДАН САДО ЧИҚДИ

Таниқли белорус кулоли Ф.Томишевский лойдан росмана гитара ясади. У орган деган бошқа бир қадамий мусиқа асбобнинг ҳам лой нусхасини яратди.

Ҳунарманд органнинг айрим бўлакларини лойдан тайёрлади. Қаранг-а, лойдан ҳам садо чиқар экан.

Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университетининг иқтисодиёт ва меҳнат социологияси кафедраси профессори, иқтисодиёт фанлари доктори

**Карим САИДОВ**нинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади

Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат ҳизмати ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Хоразм вилояти бўйича вакиллиги жамоаси вилоят молия бошқармаси касаба уюшма қўмитаси раиси Исмоил Латиповга падари бузруквори

**ХОЛМАМАТ ота**нинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади

Тошкент шаҳар С.Раҳимов туманидаги "ВАХТ-FARM" хусусий корхонасига қарашли думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент шаҳар II Ҳуқуқшунослик коллежи томонидан Расулова Озода Валиевнага берилган №323 рақамли талабалик гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир биринчи ўринбосари Зайниддин РИХСИЕВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

Тиражи: 18996 Буюртма Г— 414

E-mail: ishonch_doverie4@mail.ru

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43;
Касаба уюшмалари ҳаёти бўлими 56-87-63

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 22.40

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

12345